2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 10 (266), 2021 йил 15 январь, жума

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: АРМИЯ ФАҚАТ ҚУРОЛ ВА АСЛАҲА БИЛАН ЭМАС, ОНА ВАТАН УЧУН ЖОНИНИ АЯМАЙДИГАН ҲАРБИЙЛАР БИЛАН ҚУДРАТЛИДИР

**Президент Шавкат Мирзиёевнинг фармонларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳи ҳарбий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.**



14 январь куни ана шу юксак мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони йиғилганларни, барча ҳарбийларни, уларнинг оила аъзоларини байрам билан муборакбод этди.

Маросимда таъкидланганидек, ўз ҳаётини Ватан ҳимоясидек муқаддас ва масъулиятли ишга бағишлаган ва буни ҳар куни, ҳар дақиқада амалда исботлаётган аскар ва офицерларимиз бизнинг фахримиз ва ғуруримиздир. Айниқса, ўтган йили ўз вазифасини адо этиш билан бирга, халқимиз бошига тушган оғир синовларни мардона енгиб ўтишда уларнинг хизматлари нечоғлик катта бўлганини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш мақсадида ҳарбий соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Илгари армия алоҳида, халқ алоҳида бир дунё эди. Президент Шавкат Мирзиёев илк кунлардан "халқ билан армия — бир тану бир жон" деган муҳим ғояни илгари сурди ва вазият тубдан ўзгарди.

Ҳарбий қисмлар эшиклари халқ учун, бўлажак Ватан посбонлари — ёш авлод учун ҳамиша очиқ бўлиши кераклиги таъкидланди.

Истиқлол ғояларига садоқатли, ватанпарвар ҳарбий кадрларнинг янги авлодини етиштиришга катта эътибор берилмоқда. Аскар ва офицерларнинг замонавий билим олиши, ҳарбий техника ва технологияларни мукаммал эгаллаши, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси бош мақсад этиб белгиланган.

— Армия фақат қурол ва аслаҳа билангина кучли ҳисобланмайди, балки она Ватан учун жонини аямайдиган ҳарбийлар — аскар ва офицерлар, генераллар билан қудратлидир, — дея таъкидлади Президент. — Армиямизнинг имкониятлари ва жанговар салоҳиятини белгилайдиган асосий омил мана шу, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Маросимда бугун дунёнинг турли нуқталарида тинчлик ва осойишталикка таҳдид ва хатарлар, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар юз бераётгани қайд этилди. Бундай ҳолатлар бутун инсоният қатори халқимизни ҳам безовта қилиши табиий. Ушбу хавфларга муносиб қарши тура олиш учун инсонда чинакам ватанпарварлик, юксак билим ва тафаккур, метин ирода бўлиши зарурлиги таъкидланди.

— Буюк саркарда Амир Темур бобомиз: "Аскарлари ботир эл қудратли бўлур", деганларида айнан ана шу ҳақиқатни назарда тутган эдилар. Мен ҳар бир аскар, Ватаннинг ҳар бир посбони Амир Темур ва улуғ лашкарбошиларимиз ўгитларини, уларнинг ҳарбий меросини чуқур билиши керак, деб қайта-қайта таъкидлаб келаман. Бу ўлмас ва бебаҳо мерос ҳозирги кунда ҳам ҳар биримизнинг қалбимизга чексиз ғурур бахш этади, муқаддас тупроғимизга садоқат туйғуларини кучайтиради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз юксак давлат мукофотларига сазовор бўлган жасур ҳарбийларни ана шундай аждодларимизнинг чинакам ворислари, деб атади.

Маросимда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, божхона тизими ва ички ишлар органлари ходимлари иштирок этди.

Олий Бош Қўмондон йиғилганлар тимсолида бугун жойларда юксак давлат мукофотларини қабул қилиб олаётган барча ҳарбий хизматчиларни самимий табриклади.

Президент Шавкат Мирзиёев унвон тўғрисидаги гувоҳномаларни, орден ва медалларни тантанали равишда топширди. Ватан ҳимоячиларига сиҳат-саломатлик, зиммасидаги олижаноб вазифаларни самарали адо этишда улкан зафарлар тилади.

Мукофотланганлар юксак эътибор, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари қўллаб-қувватланаётгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

**ЎзА**

## АРМИЯ ВА ХАЛҚ – БИР ТАНУ БИР ЖОНДИР

# ТИНЧ, ФАРОВОН ВА ХОТИРЖАМ ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

**Пойтахтимиздаги "Халқлар дўстлиги" санъат саройида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.**

...Кун пешиндан оққан. Санъат саройи олдидаги сайилгоҳ марказида ўрнатилган байроғимиз баланд ва мағрур ҳилпираб турибди. Унинг атрофи эса юртдошларимиз билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Бир неча кундирки, сайилгоҳда ҳарбий техникалар, қурол-аслаҳалар намойиши бўлиб ўтмоқда. Ўғил-қизлар ота-оналари билан уларни томоша қилиб, қалбида ватанпарварлик ҳисси жўш уради.

Қудратли ҳарбий техникадан тушиб келган йигитча билан суҳбатлашиб қолдик. Жамолиддин Абдужаббаров Чилонзор туманидаги 173-умумтаълим мактабининг 6-синфида ўқир экан.

— Тадбиркор бўлмоқчи эдим. Лекин ҳозир фикрим ўзгарди. Энди ҳарбий бўламан, — деди у. — Аскарлар жуда қатъиятли бўлиш билан бирга, одобли, хушмуомала экан. Тартибли, озода кийиниши, виқор билан юриши менда ҳавас уйғотди. Улар кучли ва соғлом. Бир аскар акамиз мени мана бу машинага ўтқазиб, уни қандай бошқариш, қандай мақсадларда фойдаланиш ҳақида эринмай тушунтирди. Унга ҳавас қилдим. Мен ҳам Президентимиз, ота-онам орзу қилган йигит бўлиб, Ватанимга хизмат қиламан.

"Халқлар дўстлиги" санъат саройи байрамона безатилган. Муҳташам залга бирин-кетин ҳарбий хизматчилар, курсантлар, уларнинг ота-оналари, Қуролли Кучлар фахрийлари, сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, кенг жамоатчилик вакиллари кириб келди.

Давоми 3-бетда

# ВАТАН БИЗДАН МЕҲР КУТАДИ



**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**Давлат мукофоти лауреати**

**Ватан дунёда инсон учун энг муқаддас ва буюк инъом. Она юрт фавқулодда қудратга эга. Айни пайтда буюк, шон-шарафли муқаддас замин. У ўз фарзандларидан меҳр, ҳимоя кутади. Ўтюрак, содиқ фарзандлар Ватанни ҳамиша ардоқлаб, меҳр бериб, ҳимоя қилиб яшашни кўнглида сақлайди. Шу сабаб Ватанни мардлар қўриқлайди, кўксини қалқон қилиб, жон фидо этади, деган сўзлар бежиз айтилмаган.**

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академиясида Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони раислигида Қуролли Кучлар ва ҳарбий-маъмурий секторлар фаолиятининг 2020 йил якунлари ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида иштирок этиб, давлатимиз раҳбарининг маърузасини эшитганимда, кўнглим чексиз ғурурга, ифтихорга тўлди.

Очиғи, давлат деганда, кўпинча биз шу сўзга юклатилган маъно-мазмунни бор салобати, залвори билан англаб етишга интилавермаймиз. Уни тўлалигача ҳис этиш, чуқур фикрлашга уринмаймиз.

Мен кўплаб ҳарбий вазирликларга, Миллий гвардияга, "Темурбеклар мактаби"га ижодий учрашувларга борганимда, бинoларнинг озода ва саришталигини, умрини юрт ҳимоясига бағишлашга аҳд қилган ҳар бир одамда ички тартиб, кучли масъулият ҳисси яширинлигини, қатъиятли саркарда ва аскарларимизнинг ўз вазифасига садоқату ихлос билан ёндашаётганларини юракдан ҳис қиламан. Шу лаҳза ўз-ўзидан юзлаб-минглаб навқирон фидойи йигитларимизнинг юрт ҳимояси йўлида кўрсатаётган қаҳрамонликлари, мусаффо осмонимизда учаётган учқур самолётлар, Жиззахдами, Термиздами, Фарғонадами ёки Қорақалпоғистонда Ватан сарҳадларини қўриқлаб, тунларни бедор ўтказаётган жасур ўғлонлар кўз олдимга келади.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

## ҚАРОРИ

# ШАХМАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОММАВИЙЛАШТИРИШ ҲАМДА ШАХМАТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда шахматни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва уни оммавий спорт турига айлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал ва маданий ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, юқори иқтидорга эга бўлган ёшларни танлаш, саралаб олиш ва уларни профессионал шахматчилар ва халқаро гроссмейстерлар сифатида тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, тренерлар учун муносиб меҳнат шароитини яратиш, шунингдек, Ўзбекистон шахмат мактабини яратиш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар ташаббуси** билан 2019 йил 2 декабрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг шахматни ривожлантириш бўйича махсус резолюцияси қабул қилинганлиги ва ушбу резолюцияга мувофиқ **20 июль Бутунжаҳон шахмат куни** этиб эълон қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар **Ўзбекистонда шахматни ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:**

**"Мактабда шахмат"** лойиҳасини амалга ошириш, унинг доирасида умумий ўрта таълим мактабларида бошланғич синфлар ўқувчилари учун шахматга ўқитиш тизимини янада ривожлантириш орқали қамровни йилма-йил ошириб бориш, ўқувчилар ва мактаблар ўртасида турнирлар ўтказиш;

болалар ва ўсмирларнинг шахмат билан шуғулланишга **қизиқишини ошириш,** уни **оммавийлаштириш,** бу борада таълим муассасалари, маҳалла ва ташкилотларда шахмат бўйича мусобақаларни мунтазам равишда ташкил этиш;

юқори иқтидорга эга бўлган ёш шахматчиларни танлаш ва саралаб олиш (**селекция**) **тизимини тубдан такомиллаштириш,** уларни босқичма-босқич тайёргарликдан ўтказиб бориш орқали профессионал шахматчилар ва халқаро гроссмейстер бўлиб етишишини таъминлаш, шунингдек, имконияти чекланган шахматчиларни қўллаб-қувватлаш;

Давоми 2-бетда

## МУРОЖААТНОМАНИ ЎҚИБ...

# ОБОД ҚИШЛОҚ ВА МАҲАЛЛАЛАР

## одамлар қалбига янгиланиш нафасини олиб кирмоқда

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи**

**"Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак".**

**"Халқимиз эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни кўришни истайди".**

**"Ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмасак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол-пок бўлиб меҳнат қилсак, мен аминман, кўзлаган барча марраларимизга, албатта, етамиз".**

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрда парламентга йўллаган биринчи Мурожаатномасидаги ушбу фикрлар ҳаётий иборага, жамият ривожининг асосий мезонига айланиб кетди.**



Ва яна шу жиҳат аёнки, интернет тармоқларида таъкидланганидек, Шавкат Мирзиёев ўшанда залга Президент бўлиб кириб, ундан миллат етакчиси сифатида чиққан эди. Шундан буён анъанага айланган, ҳар йили наинки парламентга, шу билан бирга, халққа, миллатга йўлланаётган Мурожаатномаларда қишлоқ ва маҳаллаларни обод қилишдек дунёда муқобили бўлмаган эзгу ишнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари белгилаб келинади.

### ОБОДЛИККА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛЛАР

Киндик қонинг тўкилган қишлоқ ва маҳалла. У — ватан тимсоли, инсон камолининг бешиги. Юртимиз бир бўстон бўлса, унинг бир чамани ана шу маскан. Мурожаатномадан руҳланган, куч-қувват олган миллион-миллион юраклар ўз қишлоғи, ўз маҳалласи ва хонадонига ҳам бу сўзларга хос ҳаёт тарзи кириб келишини, болалари замонавий боғча, мактабларда илм-тарбия олишини, оналари энергия қувватию иссиқ суви бўлган ошхоналарда таомлар тайёрлашини, бағирлари завққа тўлиб, кўркам хонадонда меҳмонлар кутишни исташарди. Аслида, бу каби орзу-ниятлар одам боласи учун ҳою-ҳавас бўлмай, қулай яшаши учун зарур бўлган оддий турмуш шароитлари эди, холос.

Давоми 4-бетда

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ШАХМАТНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОММАВИЙЛАШТИРИШ ҲАМДА ШАХМАТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

**шахмат инфратузилмасини** янада ривожлантириш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш, болалар-ўсмирлар **шахмат мактабларини,** шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида **ташкил қилиш;**

шахмат соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш, **қайта тайёрлаш, малакасини ошириш,** танлаб олиш ва ривожлантиришга илғор илмий-методик ҳамда инновацион технологияларни жорий этиш;

шахмат бўйича республика ҳамда халқаро мусобақалар ва олимпиадалар ғолиблари, халқаро гроссмейстер, халқаро тоифадаги спорт устаси, халқаро унвонларга эга бўлган тренерлар ва ҳакамлар унвонларини қўлга киритган шахматчиларни **пул мукофотлари билан тақдирлаш;**

**шахматни интеллектуал спорт тури** сифатида кенг ёритиш ҳамда тарғиб қилиш ишларини ташкиллаштириш, шунингдек, шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларининг халқаро шахмат мусобақаларида **иштирок этишини таъминлаш.**

3. Қуйидагилар:

**Шахматни 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастури** 1-иловага мувофиқ;

**Шахматни 2025 йилгача ривожлантириш давлат дастурини 2021 йилда амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"** 2-иловага мувофиқ;

**Шахматни 2025 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари)** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат дастури эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва шахматни оммалаштириш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили алоҳида-алоҳида тасдиқланадиган "Йўл харитаси" асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

4. Белгилансинки, Шахматни 2025 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари (индикаторлари), шу жумладан, қуйидагиларни назарда тутади:

2025 йилга қадар шахмат билан мунтазам шуғулланувчилар сонини **3 фоиз**га етказиш;

қўшимча устувор спорт тури сифатида шахмат ривожлантирилиши лозим бўлган республика туман (шаҳар) лари сонини **40 та**га етказиш;

келгуси 5 йил ичида давлат-хусусий шериклик асосида **25 та** шахмат мактаблари ва клублари фаолиятини йўлга қўйиш;

болалар-ўсмирлар спорт мактабларида фаолият кўрсатаётган шахмат бўлимлари ва секциялари сонини **20 фоиз**га ошириш, шунингдек, уларда шахмат билан шуғулланаётган болалар қамровини **10 500 га** етказиш;

мамлакатимизнинг Халқаро шахмат федерациясидаги (ФИДЕ) рейтинг кўрсаткичларини яхшилаш ва 2025 йилда биринчи **10 талик**ка киришига эришиш.

5. Халқ таълими вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ва Ўзбекистон шахмат федерациясининг 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 августдаги "Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3906-сон қарори билан 150 та умумий ўрта таълим мактабларининг ўқувчиларини тажриба тариқасида шахматга ўқитишни ташкил қилиш амалиётини кенгайтириш ва шу муносабат билан яна қўшимча **150 та мактаб**ни (шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Тошкент вилоятидан ташқари) 10 тадан, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида 15 тадан мактаб) **шахматга ихтисослаштириш,** шунингдек, уларнинг ўқувчиларини **чуқурлаштирилган ҳолда шахматга ўқитиш;**

4-иловага мувофиқ танлов асосида **1 000 та умумий ўрта таълим мактабида 2, 3 ва 4-синф ўқувчиларини "Жисмоний тарбия"** фани доирасида **18 соатлик** режа асосида шахматга ўқитишни йўлга қўйиш ҳамда уларга методик ёрдам кўрсатиш;

қолган барча умумий ўрта таълим мактаблари **2, 3 ва 4-синф ўқувчиларини "Жисмоний тарбия"** фани доирасида шахматга ўқитиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилига қадар 1 000 та умумий ўрта таълим мактабининг 2, 3 ва 4-синф ўқувчиларини шахматга ўргатиш учун 18 соатлик ўқув режасини ишлаб чиқсин ва ушбу мактабларни **ўқув қўлланма, магнитли доска, шахмат тахтаси, фигуралари, соати ва бошқа зарур анжомлар** билан таъминласин ҳамда ушбу мақсадларга вазирликка республика бюджетидан 2021 йил учун ажратилган маблағлар ҳисобидан **10 миллиард** сўмгача маблағларни йўналтирсин.

6. Халқ таълими вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерацияси билан биргаликда 2021 йил 1 июлга қадар:

мазкур қарорнинг 5-банди тўртинчи хатбошисида кўрсатилган умумий ўрта таълим мактаблари 2, 3 ва 4-синф ўқувчиларини "Жисмоний тарбия" фани доирасида шахматга ўқитиш бўйича таълим дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, шунингдек, уларни ўқув қўлланма, магнитли доска, шахмат тахтаси, фигуралари, соати ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

шахматга ихтисослаштирилаётган қўшимча 150 та умумий ўрта таълим мактаблари рўйхатини тасдиқласин, шунингдек, уларнинг ўқувчиларини чуқурлаштирилган ҳолда шахматга ўқитиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқсин.

Молия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилига қадар Халқ таълими вазирлигига республика бюджетидан 2021 йил учун ажратилган маблағлар ҳисобидан:

шахматга ихтисослаштирилаётган қўшимча **150 та** умумий ўрта таълим мактабини **ўқув қўлланма, магнитли доска, шахмат тахтаси, фигуралари, соати ва бошқа зарур анжомлар** билан таъминлаш учун **7,5 миллиард** сўмгача маблағларни йўналтирсин;

қолган барча умумий ўрта таълим мактаблари (мазкур қарорнинг 5-банди бешинчи хатбошисида кўрсатилган мактаблар бундан мустасно) 2, 3 ва 4-синф ўқувчиларини "Жисмоний тарбия" фани доирасида **шахматга умумий** ўқитиш ва зарур анжомлар билан таъминлаш учун **20 миллиард** сўмгача маблағларни йўналтирсин.

7. Халқ таълими вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерацияси билан биргаликда:

2021 йил 1 мартдан бошлаб умумий ўрта таълим мактаби "Жисмоний тарбия" фани ўқитувчилари (ўқитувчи-тренерлар)нинг шахмат бўйича **малакасини ошириш** чораларини кўрсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили бир ой давомида умумий ўрта таълим мактабларида шахмат бўйича вилоят, республика ва халқаро мусобақалар ғолиблари, халқаро гроссмейстер, халқаро тоифадаги спорт устаси, халқаро унвонларга эга бўлган тренерлар ва ҳакамларни жалб қилган ҳолда **"Шахмат ойлигини"** ташкил этсин;

2021 йилдан бошлаб ҳар йили умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида шахмат бўйича жамоавий **"Шоҳруҳ"** турнирини ташкил этсин ва ўтказсин;

умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ва "Жисмоний тарбия" фани ўқитувчилари ўртасида ҳар йили шахмат бўйича **республика биринчилигини** ўтказсин.

8. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳамда Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда:

таълим ва бошқа муассасалар ўқитувчилари ҳамда қизиқиш билдирган шахсларни шахмат бўйича тўлов-шартнома асосида **қисқа муддатли** курсларда қайта тайёрлаш ва малакасини доимий равишда ошириб бориш тизимини жорий қилсин, тегишли ўқув дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари ҳисобидан маҳалла ва ташкилотларда шахмат бўйича турли мусобақалар ва турнирларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

9. Белгилансинки, 2021 йилдан бошлаб ҳар йили:

июнь-август ойлари давомида маҳалла болалари ўртасида **"Маҳалла кубоги"** шахмат мусобақалари ташкил этилади;

май-июль ойлари давомида маҳалла оилалари ўртасида **"Шахматчи оила"** турнири ўтказилади, маҳалладаги оилаларнинг жамоавий тарзда иштирок этиши таъминланади;

**икки маротаба** вазирлик, идора ва ташкилотларда ходимлар ўртасида **"Шахмат кунлари"** ўтказилади.

10. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерациясининг 2021 йилдан бошлаб ҳар йили анъанавий тарзда:

Тошкент шаҳрида **Ўзбекистон Республикаси Президенти совриниучун халқаро шахмат турнири,** Ўзбекистонлик биринчи халқаро гроссмейстер **Г.Т.Агзамов** хотирасига бағишланган халқаро турнир, шунингдек, шахмат бўйича XVII Жаҳон чемпиони **Р.М.Қосимжонов** халқаро турнирини;

Самарқанд шаҳрида **"Соҳибқирон кубоги"** халқаро шахмат турнирини;

Хива шаҳрида **"Ал-Беруний"** халқаро шахмат турнирини;

Бухоро, Термиз ва Хива шаҳарларида **"Туризм ва шахмат ҳафталиги"**ни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

11. Ўзбекистон шахмат федерацияси ва Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясининг:

шахмат мактаблари ва клублари фаолиятига кўмак бериш мақсадида **Ўзбекистон шахмат клублари ассоциациясини** ташкил этиш;

жисмоний имконияти чекланган шахматчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси таркибида **шахмат бўйича алоҳида бўлинмани ташкил қилиш** тўғрисидаги ташаббуслари маъқуллансин.

Адлия вазирлиги бир ой муддатда ташкил қилинаётган ассоциацияни давлат рўйхатидан ўтказиш чораларини кўрсин.

Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциациясига бир ой муддатда шахмат бўйича бўлинмани малакали мутахассислар билан тўлдириш, зарур анжомлар ва воситалар билан жиҳозлаш бўйича чоралар кўриш тавсия қилинсин.

12. Белгилансинки, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг Фарғона филиалида **шахмат** бўйича **таълим** йўналиши очилади;

бошқа олий таълим муассасаларида шахмат йўналишига зарур эҳтиёждан келиб чиқиб, Ўзбекистон шахмат федерациясининг тавсиясига асосан алоҳида қабул квоталари белгиланади;

педагог ходимлар ўртасида шахмат бўйича **"Энг яхши инновацион ўқув методик қўлланма"** танлови ташкил этилади, қўлланмани оммалаштириш ва жойларга етказиш бўйича зарур чоралар кўрилади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Ўзбекистон шахмат федерацияси мазкур бандда назарда тутилган вазифалар ижросини тўлиқ ва сифатли таъминласин.

13. Ўзбекистон шахмат федерациясининг 2019 йил 16 февралдаги навбатдан ташқари ҳисобот-сайлов конференцияси қарори билан Шахмат бўйича Республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби негизида **Халқаро шахмат академияси** ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

14. Белгилансинки, Халқаро шахмат академияси:

Ўзбекистонда шахмат спорт тури бўйича ўқув-методик ва **тайёрловнинг** асосий базаси ҳисобланади;

шахмат спорт тури бўйича **ўқув-методик қўлланмалар ва дарсликларни ишлаб чиқувчи** ва марказлашган ҳолда тарқатувчи муассаса ҳисобланади;

фаолияти **Давлат бюджети,** жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайрия маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

директори, директор ўринбосарлари, инструктор-методистлари, тренерлари ва ўқитувчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги 275-сон қарорига мувофиқ;

директори, директор ўринбосарлари, инструктор-методистлари, тренерлари ва тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 сентябрдаги "Спорт мактаблари фаолиятини ҳамда спорт мактаблари тренерлари ва мутахассислари меҳнатини моддий рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги 211-сон қарорига мувофиқ;

тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги 276-сон қарорига мувофиқ амалга оширилади;

мустақил равишда хўжалик ва молиявий фаолияти масалаларини ҳал қилади;

директори ва директор ўринбосарлари Ўзбекистон шахмат федерациясининг тақдимномасига асосан Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

15. Ўзбекистон шахмат федерацияси ҳузурида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда **Шахматни оммавийлаштириш ва ривожлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин.

Қуйидагилар Жамғармани шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон шахмат федерациясига аъзолик бадаллари;

маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

ҳомийлар — жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг маблағлари;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини тижорат банкларига жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма маблағларидан шу жумладан:

Халқаро шахмат академияси, болалар-ўсмирлар шахмат мактаблари, Ўзбекистон шахмат федерацияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини моддий рағбатлантириш, шунингдек, уларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш;

шахматни оммавийлаштириш бўйича халқаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида шахматчилар, тренерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассисларнинг хорижий давлатларга ташрифларини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадлари учун фойдаланилиши маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон шахмат федерациясига Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан келишилган ҳолда икки ой муддатда Жамғарма фаолиятини ташкил этиш, маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

16. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон шахмат федерациясининг **шахмат бўйича мусобақалар ва турнирларни онлайн ўтказиш платформаси (www.uzchess.uz),** шунингдек, таҳсил олаётган ўқувчилар ва талабалар ҳамда ўқитувчилар, тренерлар ва мутахассисларнинг **ягона электрон базаси**ни яратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Белгилансинки:

платформа ва электрон базани ишлаб чиқиш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш ва кейинчалик модернизациялаш бўйича буюртмачининг функциялари Ўзбекистон шахмат федерациясига юклатилади;

платформа ва электрон база 2021 йил 1 майга қадар Шахматни оммавийлаштириш ва ривожлантириш жамғармаси, ҳомийлар — юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқилади ва доимий равишда техник қўллаб-қувватланади;

платформа орқали шахмат бўйича мусобақалар ва турнирлар онлайн тарзда ўтказилади, уларнинг ғолиблари пул мукофотлари билан тақдирланади;

платформа орқали ўтказиладиган шахмат бўйича мусобақалар ва турнирлар ғолибларини пул мукофотлари билан тақдирлаш Шахматни оммавийлаштириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

17. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон шахмат федерацияси уч ой муддатда **қуйидагиларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:**

шахмат бўйича республика ҳамда халқаро мусобақалар ва олимпиадалар ғолиблари, халқаро гроссмейстер, халқаро тоифадаги спорт устаси, халқаро унвонларга эга бўлган тренерлар ва ҳакамлар унвонларини қўлга киритган шахматчиларни пул мукофотлари билан тақдирлаш;

мамлакатимизда ташкил этиладиган маҳаллий ва халқаро мусобақаларда иштирок этадиган маҳаллий ҳакамлар ҳамда халқаро семинар маърузачилари учун тўланадиган кунлик тўловларни халқаро стандартларга ва тоифаларга мослаштириш.

18. Қуйидагилар:

**Қўшимча устувор спорт тури сифатида шахмат ривожланиши лозим бўлган республика туман (шаҳар)лари рўйхати 5-иловага мувофиқ;**

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида 2022-2024 йилларда болалар-ўсмирлар шахмат мактабларини ташкил қилиш режаси** 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, қўшимча устувор спорт тури сифатида шахмат ривожлантириладиган туман (шаҳар)ларда умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари, ўқитувчи-тренерлар, маҳалла аҳолиси ўртасида шахмат бўйича доимий равишда мусобақалар ва шахмат ҳафталиклари ўтказиб борилади ва ушбу тадбирлар маҳаллий бюджет ҳамда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда 2022 йил ва келгуси йилларда Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини шакллантиришда ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан болалар-ўсмирлар шахмат мактабларини қуриш ишлари учун марказлашган капитал қўйилмалар лимитлари ажратилишини таъминласин.

Қурилиш вазирлиги болалар-ўсмирлар шахмат мактабларини инновацион технологияларга асосланган, арзон, энергия тежамкор ва тез барпо этиладиган енгил конструкция ва материаллардан қуриш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини комплекс экспертизадан ўтказишни таъминласин ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши устидан давлат архитектура-қурилиш назоратини ўрнатсин.

19. Қуйидагилар:

**Ўзбекистонда шахматни жадал ривожлантириш бўйича республика кенгаши** (кейинги ўринларда — Республика кенгаши) **таркиби** 7-иловага мувофиқ;

**Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида шахматни жадал ривожлантириш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳлар** (кейинги ўринларда — ҳудудий ишчи гуруҳлар)нинг намунавий таркиби 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика кенгаши **(А.А.Абдуҳакимов):**

бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида шахматни 2021 йилда ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқиш бўйича манзилли **ҳудудий дастурларни** тасдиқласин, шунингдек, уларнинг тўлиқ ва сифатли ижро этилиши юзасидан доимий мониторинг ўрнатсин;

ҳудудий ишчи гуруҳлар ҳамда бошқа масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштирсин, улар томонидан бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларни эшитиш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин;

шахматни ривожлантириш ва оммавийлаштириш, шу жумладан, платформа орқали ўтказиладиган шахмат бўйича мусобақалар ва турнирлар ғолибларини пул мукофотлари билан тақдирлаш мақсадида маҳаллий, хорижий ва халқаро ташкилотларнинг грантлари, ҳомийлар — юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жалб қилсин.

20. Молия вазирлиги мазкур қарорга асосан жорий йилда кўзда тутилган чора-тадбирларни ва келгуси йилларда амалга оширилиши белгиланган вазифалар учун зарур маблағларни 2021 йил Давлат бюджетида Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги учун кўзда тутилган маблағлар доирасида, 2022 йилдан бошлаб эса Давлат бюджети параметрларида назарда тутишни таъминласин.

21. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси **"Спорт" телеканалида** шахмат бўйича маҳаллий ва халқаро мусобақалар, шахматчиларимиз томонидан эришилган ютуқлар, шунингдек, шахматни интеллектуал спорт тури сифатида кенг ёритиш ва тарғиб қилиш ишларини мунтазам ташкиллаштириб борсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳудудий телеканаллар ва оммавий ахборот воситаларида мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш ишларини доимий равишда ташкиллаштириб борсин.

22. Ушбу қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

а) Республика кенгаши **(А.А.Абдуҳакимов)** ўн кун муддатда масъул вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида видеоконференцалоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда мажлис ўтказиб, мазкур қарорга мувофиқ амалга оширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисида ахборот берсин, шунингдек, ҳар чоракда ижросини муҳокама қилсин ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

б) Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги **(Д.Х.Набиев):**

мазкур қарор ва "Йўл харитаси"да белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишнинг пировард мақсадига эришилишини таъминласин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон шахмат федерацияси, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда бир йилга мўлжалланган медиа-режани тасдиқласин ҳамда шахматни тарғиб қилишга қаратилган мавзули ва кўчма дастурлар, ток-шоулар, интервьюлар ва роликлар намойиш этилишини ташкиллаштирсин;

ҳар чоракда мазкур қарор бажарилиши ҳолати, мавжуд муаммолар, мақсадли кўрсаткичларда белгиланган натижаларга эришиш ҳолати тўғрисида Республика кенгашига ҳисобот бериб борсин;

в) "Йўл харитаси"нинг бажарилишига ва баҳолаш мезонларида назарда тутилган кўрсаткичларга эришишга масъул вазирлик ҳамда идоралар зиммасига юклатилган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш, "Йўл харитаси"ни ижро этиш ҳолати тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига ахборот тақдим этсин;

г) Ўзбекистон шахмат федерацияси ва Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига мазкур қарорни амалга оширишда масъул вазирлик ва идораларга доимий равишда ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш тавсия этилсин.

23. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ўзбекистон шахмат федерацияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 августдаги "Ўзбекистон Республикасида шахматни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3906-сон қарорининг 3-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

25. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдуҳакимов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан **2021 йил 1 июль** ва **2022 йил 1 январгача** Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 14 январь



# АРМИЯ ВА ХАЛҚ – БИР ТАНУ БИР ЖОНДИР



# ВАТАН БИЗДАН *меҳр* КУТАДИ

Бошланиши 1-бетда

Барчасига ҳурматим ортади. Кўрганларим ва тасаввурларим уйғунлашиб, тафаккуримда қудратли давлат тушунчаси пайдо бўлади. Мен Ўзбекистон давлатининг қудратли эканига имон келтираман.

Президентимиз қилинган ишларни чуқур таҳлилдан ўтказар экан, ҳарбий соҳанинг энг долзарб йўналишлари бўйича замон талабларига мос қарорлар қабул қилинганлиги яхши самаралар берганини таъкидлади. Ислоҳотлар олиб борилаётган, уни давом эттириш заруриятга айланган йўналишлар ва улар ичида ўз ечимини кутиб ётганлари ҳам анчагина эканлигини айтиб ўтди. Миллий армиямизнинг жанговар шайлиги, тизимли ва стратегик комплекс чора-тадбирлар кўрилгани натижасида мамлакатнинг мудофаа қобилияти сезиларли даражада ошгани қувонарли, албатта...

Давлатимиз раҳбари зукколик билан мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада кучайтириш, қудратини ошириш, такомилига етказиш борасида муҳим кўрсатмалар берди ва зарур вазифаларни белгилаб, ҳар бир ишни ўз эгасига топширди. Вазифалар аниқ ва лўнда: мамлакат мудофаа қудратини ошириш. Айни пайтда, Қуролли Кучларни ривожлантириш йўлидаги бутун ҳаракатлар, интилишлар сарҳисоб этилиб, бари танқидий баҳоланди.

Маърузада ҳарбий таълим тизимида бошланган ислоҳотларни узвий давом эттиришга алоҳида урғу берилди. Олий ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллежлар, жумладан, "Темурбеклар мактаби" ҳарбий академик лицейлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларда сабоқ олаётган ўқувчилар қалбида миллий руҳ, она-Ватанга меҳр ва садоқат, адолат туйғусини ҳар томонлама кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Айниқса, буюк аждодларимиз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Шоҳруҳ Мирзо, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби саркардаларимизнинг бой ҳарбий меросидан унумли ва кенг фойдаланиш зарурлигига диққат қаратилди.

**"Ҳарбий илмсиз — ҳарбий таълим йўқ!",** деди Президентимиз ўз маърузасида. Шу маънода ҳарбий кадрлар малакасини ошириш, ҳарбий илмни ривожлантириш, ҳарбий можаролар билан замонавий жанг амалиётларини ҳамда миллий ҳарбий мерос — жанг санъати тарихини чуқур ўрганиш ва такомиллаштириш вазифаси қўйилди.

Бу чиндан ўта муҳим масала. Шу маънода **Ҳарбий мерос ва замонавий тадқиқотлар институти** ташкил этилади ва **Жасорат мактаблари** очилади. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари **"Жасур жангчи — ёшлар учун намуна"** шиори остида жадаллаштирилиб олиб борилиши таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари келажагимиз бўлган ёшлар ва уларнинг тарбияси ҳақида чин юракдан қайғуради. Маърузада ҳокимликлар ва турли идоралар раҳбарларига қарата шундай дейилди: **"Кимки ёшлар билан номигагина ишласа — у эртанги кунга хиёнат қилган бўлади!"** Бу замон талаби эканини ҳамма сезди. Ҳа, **"Ҳар бир ёшнинг онги ва қалби учун кураш"** энг асосий вазифалардан бирига айланиши лозим. Ростдан ҳам, қарама-қаршиликлар, бузғунчиликлар, зиддиятлар тўлиб-тошган глобал ахборот оламидаги инсон, айниқса, ёш авлоднинг дунёқараши, маънавий дунёси учун кураш кучайиб бораётган бугунгидай кунда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг роли ва аҳамияти бениҳоя ортиб бораётганини кўриб турибмиз.

Шу боис, Қуролли Кучларимизда яратилган замонавий инфратузилмадан фойдаланган ҳолда, ҳар вилоятда икки юз-уч юз нафар уюшмаган ёшларни жамлаб, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш асносида, меҳнат бозорида талаб қилинадиган фойдали касб-ҳунарга ҳам ўргатишни изчил ташкил этиш бўйича вазифалар белгиланди. Бу оқилона, Қуролли Кучларни мустаҳкамлашга қаратилган тадбир. Давлатимиз раҳбари **"Ўз фарзандларида юксак ватанпарварлик руҳини камол топтира олмаган давлат, қандай қудратли қуролга эга бўлмасин, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлай олмайди,"** деганида мутлақо ҳақ эди.

* * *

Президентимиз 2017 йили ёшлар билан учрашувида "Маълумки, тарихда халқимиз орасидан кўплаб буюк саркардалар етишиб чиққан. Ана шундай мард ва фидойи аждодларимизнинг ҳарбий соҳадаги бой мероси, мардлик ва жасурлик фазилатлари ёшларимиз учун ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади. Айниқса, Соҳибқирон Амир Темур бобомиздек — у зот биронта жангда мағлуб бўлмаган — енгилмас саркарда ва давлат арбоби жаҳон тарихида камдан-кам топилади. Ўз яқинлари, замондошлари бу улуғ сиймони Темурбек деб атаган эканлар. Мен шу ҳақда ўйлаганимда, бир фикр хаёлимдан ҳеч кетмайди. Юртимизда ёшларга ҳарбий таълим-тарбия берадиган курсантлар мактабларига "Темурбеклар мактаби" деб ном берсак, деган таклифни илгари сурган эди.

"Темурбеклар мактаби" ҳарбий академик лицейларига тез-тез бориб тураман. Кўзида ўт чақнаган ёшларни, қадамларидан куч-қувват, шижоат, ишонч балқиб турган йигитларни кўриб, Ватан ҳимоясига муносиб, жасур аскарлар бўлади, деб хаёл қиламан.

Давлатимиз раҳбари буюк Амир Темур руҳига ҳурмат бажо келтириб, ёш авлодни тарбиялашда, шундай мактабларда бобомизнинг ҳарбий санъат меросидан мукаммал билим беришни, хусусан, "Темур тузуклари"ни чуқур ўрганишни тавсия этди. Шонли тарихимизнинг нодир ёдгорлиги бўлган ушбу асар ҳақида сўз юритиш асносида Амир Темурнинг китобга бўлган муносабатига эътибор қаратсак, фойдадан холи бўлмас.

Амир Темурнинг тарихий асарлар ва уларнинг ёзилишига муносабати, ҳаққоний бўлишига талабчанлиги таҳсинга лойиқ. Бу катта билимга эга бўлган, донишманд ва зукко инсоннинг муносабатидир. Шу жиҳатларга назар қилганда, кўз олдимизда донишманд, заkий инсон, теран ҳаётий тажриба соҳиби бўлган, келажак авлодларни ўйлаган, она юрт, мулку миллат учун куйиб-ёнган заҳматкаш инсон сиймоси намоён бўлади.

"Темур тузуклари" буюк бобомизнинг жасоратларидан бири эди. Жаноб Соҳибқироннинг кўпдан-кўп давлат ишлари турган ҳолда, фурсат топиб, тарихимиз ва маданиятимизнинг кўрки бўладиган китоб ёзишдек бир заҳмату машаққатни ҳам ўз зиммасига олганлиги ҳайратланарлидир. "Ўз киндигин ўзи кесган Соҳибқирон ушбу китобини авлодлар учун ёзаётганини жуда яхши англайди. Бу бежиз эмас. Асрлар давомида асарнинг тиллардан-тилларга таржима этилаётгани ва кенг тарқалаётгани, унинг устида турли тилларда тадқиқотлар олиб борилаётгани "Темур тузуклари"нинг ҳаётий ва ҳаққоний оригинал асарлигини, инсоният учун зарур эканлигини исбот қилиб турибди. Чунки Амир Темур яшаган давр, унинг қизғин фаолияти мана салкам етти юз йил ўтаётирки, жаҳонда ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, балки оҳанрабодай ўзига тортиб, қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.




* * *

Ҳаётий ҳикматларга тўла "Темур тузуклари" ноёб маърифий обида эканидан ташқари, Амир Темур сиймоси, саъжияси, руҳияти, табиати, бир сўз билан айтсак, бой шахсияти ва инсонийлиги ҳақида берган таърифлари билан ҳам қимматли асардир. Амир Темур "Тузуклар"да адолатни ҳимоя қилгувчи, сўзи билан иши бир, олижаноб, кечиримли, довюрак, қўрқмас, зўр тадбирлар соҳиби, моҳир саркарда, улуғ раҳбар сифатида намоён бўлади.

Соҳибқирон золимлардан мазлумлар ҳаққини олишда жонбозлик кўрсатади, чунки яхши билади: мамлакат куфр билан туриши мумкин, аммо зулмга чидай олмайди. Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитса, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўради. Яхшиларга яхшилик қилади, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширади... Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгашга қўяди, фақат бир улушинигина қиличга қолдиради. Булар буюк бобомизнинг энг танг вазиятларда ҳам адолат ва инсофни биринчи ўринга қўйишига ёркин мисоллардир.

Соҳибқирон очиқ юзлилик, раҳму шафқат билан халқни ўзига ром этишни яхши биларди. Хирожни раиятдан калтаклаш ва савалаш йўли билан эмас, балки огоҳлантириш, қўрқитиш, тушунтириш йўли билан ундиришни тайинларди. Ҳамиша раият аҳволидан огоҳ эди, улуғларини оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрарди. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳи доим очиқ эди. Ҳамиша адолатга талпиниб яшар, жабру зулмдан узоқроқда бўлишга интиларди. Бирон кимсанинг ҳаққи бўлса уни асло унутмасди. Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмасди. Кўнгли бузуқ, ҳимматсиз кимсаларни мажлисига асло йўлатмас, балки мажлисларида кейинини ўйлаб, олисни кўриб иш юритар, кекса ва тажрибали кишилар суҳбатидан баҳраманд бўларди... Чинакам дўст ҳақидаги қуйидаги сўзлар ҳам халқимиз ақл-идрокининг теранлигидан хабар беради: "Чин дўст улдирки, — дейди Амир Темур, — дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади..."

"Тарихга юз буриб, қайси йўллардан юрмайлик, қачон, қаерда бўлмасин, йўлимиз айланиб, барибир ушбу мўътабар зот ҳузурига олиб келаверади. Вақтлар келадики, авлодлар ҳали Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг ҳар бир кунини, ҳар бир лаҳзасини битта ҳам қолдирмай чуқур ўрганиб чиқадилар. Бунга биров мажбур этмайди, балки бу кўнгил эҳтиёжи, ҳаёт заруратига айланади..." — деб ёзилган экан менинг йигирма беш йил аввал эълон қилинган "Буюк обидага эҳтиром" номли мақоламда. Шундай кунлар, Аллоҳга шукр, келди!

> *Давлатимиз раҳбари келажагимиз бўлган ёшлар ва уларнинг тарбияси ҳақида чин юракдан қайғуради. Маърузада ҳокимликлар ва турли идоралар раҳбарларига қарата шундай дейилди: "Кимки ёшлар билан номигагина ишласа — у эртанги кунга хиёнат қилган бўлади!" Бу замон талаби эканини ҳамма сезди. Ҳа, "Ҳар бир ёшнинг онги ва қалби учун кураш" энг асосий вазифалардан бирига айланиши лозим. Ростдан ҳам, қарама-қаршиликлар, бузғунчиликлар, зиддиятлар тўлиб-тошган глобал ахборот оламидаги инсон, айниқса, ёш авлоднинг дунёқараши, маънавий дунёси учун кураш кучайиб бораётган бугунгидай кунда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг роли ва аҳамияти бениҳоя ортиб бораётганини кўриб турибмиз.*

"Тузуклар" икки китобдан иборат. Биринчисида, Соҳибқирон олиб борган жанглар таърифланади. Иккинчиси — Тузуклар, яъни қонунлардан иборат. Шу ерда бир нарсага эътибор бериш керакки, "Қонун" сўзи арабча, аммо Соҳибқирон соф ўзбекча "Тузук" сўзини танлайди(бу сўз "тузмоқ" феълидан). Бу ҳам бизга ибрат.

"Темур тузуклари" зукко донишманднинг, меҳрибон падари бузрукворнинг ўгит-насиҳатларига бой. Зеро, Соҳибқирон ўз асарини авлодлар учун ёзиб қолдираётганини айтади. Уларни ўқиб-ўрганиш каттага ҳам, кичикка ҳам нафлидир.

Қуйида тасаввур учун "Тузуклар"дан айрим намуналар келтирмоқчиман. Улар ҳеч изоҳга муҳтож эмас:

*...Ким менга дўстлик қилса — қадрладим, дўстлигини эсдан чиқармадим ва унга мурувввату эҳсон, ҳурмат кўрсатдим. Кимки менинг хизматимни бажарса, унинг хизмати ҳаққини адо этдим. Кимки менга душманлик қилсаю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан ҳимоя истаб, тиз чўкиб ҳузуримга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим.*

* * *

*...Подшоҳлик ишларини тамоман бошқага топшириб, эркни унга бериб қўймасинким, дунё бевафо хотин кабидур, унинг хуштори кўп. Агар шундай қилар экан, ўзганинг нафси тез орада подшоҳ бўлишни тилаб қолади ва салтанат тахтини эгаллашга киришади.*

* * *

*...Қайси бир сипоҳий жангда ўзини кўрсатган бўлса, рағбатлантириб, ҳақини адо этсинлар. Қайси бир сипоҳий хизматда юриб қарилик ёшига етаркан, уни ойлик-ҳақдан сира маҳрум этмасинлар ва мартабасидан асло туширмасинлар. Ҳеч бир сипоҳий-аскарнинг хизмати назардан четда қолмасин. Чунки улар давлат хизматида юриб, боқий ҳаётларини ўткинчи дунё нақди учун аямаганларининг ўзи инъомга ва моддий сийловларга лойиқ эканларини билдиради. Уларни инъомидан маҳрум қилиб, хизматларини кўрсатмаслик, катта ноинсофлик бўлар эди.*

* * *

*...Қайси навкар ўз хизмати, ҳақ-бурчини унутиб, иш вақтида меҳнатдан юз ўгирар экан, ундай навкардан юз ўгирмоқ керак. Қайси навкар иш вақтида баҳона излаб, жангу жадал пайтида ижозат сўраб, қочишни мўлжалласа, бугунги ишни эртага қолдирса, Пўлод ва Темур Ўғлон бошимга иш тушганда ўзларини шу қабилда тутишиб, мени ташлаб кетганлари каби, бунга ўхшаш навкарлар номларини ҳам тилга олиш номуносиб ишдир. Бундай одамларни парвардигори олам ҳукмига топшириш зарур.*

* * *

*...Саййидлар, уламо, машойих, фузало, катталар ва улуғларни азиз тутсинлар. Беклар, оқсоқоллар, деҳқонлар ва экинзорларга ишлов бергувчилар кўнглини хушнуд этиб, ўзларига қаратсинлар. Раийятни умид ва қўрқув орасида тутсинлар. Гуноҳлари ва қилмишларига яраша жазоласинлар. Менга бўйсунган мамлакатларнинг саййидлари, олимлари, шайхлари, фозил кишилари, дарвешлари, зоҳидларини суюрғол, вазифа ва ойлик билан сийласинлар. Фақиру мискин, ногиронларга нафақа тайин қилсинлар. Мударрислар ва шайхларга кундалик маошлар белгиласинлар....*

"Темурбеклар мактаби"га 16 ёшдан қабул қилиниши бежиз эмас, албатта. Бу ёш ўтиш палласи, ўсмир ҳар йўлга кириб кетиб қолиши мумкин. Шундай вақтда "Темур тузуклари"дай донишманд китобни ўқиш унга жуда қўл келади, ниҳоятда манфаатли бўлишига шубҳа йўқ. Чунки Ватанпарвар бўлиш, юртга садоқат кўргизиш, оқил инсон бўлиб камолга етиш, ҳарбий санъатни юксак даражада эгаллашда бу китобнинг баҳоси йўқ. Давлатимиз раҳбарининг нодир "Тузуклар"ни ёшлар, айниқса, Темурбеклар мактаби ўқувчилари ўқишлари зурурлиги, китобнинг мактабда дарслик сифатида ўқитилиши, бунинг учун эса "Темур тузуклари"ни ўқувчилар тушунадиган содда тилда (юқорида кўрдик, Амир Темур ҳам тарихчи Низомиддин Шомийга ўз китобини содда тилда ёзиш кераклигини буюрганди) табдил қилишга кўрсатма берди. Биз ҳоли-қудрат бу юмушни амалга оширишга ҳаракат қилдик. Унга бир дарслик қўлланмаси ҳам тавсия этилди.

Давлатимиз раҳбари раислик қилган Хавфсизлик кенгашининг катта аҳамиятга эга йиғилиши баланд руҳда ўтди. Бу янги Ўзбекистон барпо этишнинг оқилона бош талаби сифатида намоён бўлди.

# ТИНЧ, ФАРОВОН ВА ХОТИРЖАМ ҲАЁТИМИЗ КАФОЛАТИ

Бошланиши 1-бетда

Давлатимиз мадҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёевнинг Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Қурбонов ўқиб эшиттирди.

Табрикда қайд этилганидек, миллий армиямиз ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга қарши муносиб зарба бера оладиган эл-юрт таянчи ва суянчига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик ва садоқат руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланди.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон мудофаа қудрати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бунда янги Мудофаа доктринаси қабул қилингани муҳим аҳамият касб этди. Кейинги 4 йилда мавжуд қурол-аслаҳа, ва техникалар янгиланиб, модернизация қилинди. Ҳарбий тузилмалар фаолияти, ҳарбий қисм ва муассасалар инфратузилмаси тубдан яхшиланди. Замонавий талабларга жавоб берадиган дала ўқув майдонлари барпо этилди.

Ҳарбийларимиз, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ва уларнинг оила-аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатлар уларни уй-жой билан таъминлаш, соғлиғини сақлаш, фарзандларини имтиёзли ўқитиш каби жиҳатларда намоён бўлади.

Миллий армиямизни тубдан ислоҳ қилиш натижасида ҳарбий хизматчиларнинг нуфузи ортди. Кўча-кўйда ҳарбий либосдаги йигитларга янада ҳавас ва ҳурмат билан қарайдиган бўлдик. Қуролли Кучларимиз сафида Ватанга хизмат қилиш йигит-қизларимиз учун шон-шараф тимсолига айланди.

Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг маънавий қиёфаси ҳам тубдан ўзгарган. Бугун улар армия ва халқ бирдамлиги йўлида астойдил хизмат қилмоқда. Бу уларнинг юз-кўзи, хатти-ҳаракати ва гап-сўзидан ҳам намоён бўлаётир.

— Бу йилги байрам менга қўшалоқ қувонч олиб келди. Мудофаа вазирлиги миқёсида ўтказилган "Энг илғор мутахассис" кўрик-танловида "Энг яхши взвод командири" деб топилдим, — деди Мудофаа вазирлиги взвод командири, "Жасорат" медали соҳиби Муҳаммадсоли Дўстқулов. — Бу менга ўзгача ғурур бахш этиб, кейинги хизматларимда шижоатли бўлиш ва тинимсиз меҳнат қилишимда қанот бўлади. Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан мудофаа тизимида туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бизга, оила аъзоларимизга кўплаб имтиёзлар жорий қилинди. Бу, ўз навбатида, профессионал армиямизнинг янада ривожланиши, мустаҳкам бўлиши учун муҳим омилдир.




Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Тантанали байрам тадбирида коронавирус пандемияси шароитида жонбозлик кўрсатган ҳарбий шифокор ва хизматчилар, ҳуқуқ-тартибот органлари, қутқарув хизмати ходимларининг машаққатли ва шарафли хизмати яна бир эътироф этилди. Ҳарбий оркестр, таниқли санъаткорлар томонидан Ватанни улуғловчи куй-қўшиқлар тақдим этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева, Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов иштирок этди.

* * *

Шу куни Мудофаа вазирлигида Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ, орден ва медаллар билан тақдирланган ҳарбий хизматчиларга мукофотларни тантанали топшириш маросими ҳам бўлиб ўтди.

— Бугун мамлакатимизда ёшларнинг таълим-тарбия олиши учун барча шароитлар яратилмоқда. Уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — деди Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти бошлиғи, "Содиқ хизматлари учун" медали соҳиби Фарҳоджон Ортиқов. — Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ҳам бу борада самарали тизим йўлга қўйилган. Жумладан, Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди жанг санъати, уларнинг ноёб истеъдодини ёш авлодга таништиришни мақсад қилганмиз. Бугунги мукофот бизни янада фидойилик билан хизмат қилишга ундайди.

Туққан ерда туғинг тик, дейди халқимиз. Бу гап замирида эгалик, шукроналик ва бахтиёрлик ҳисси мужассам. Зеро, она юртда яшаш шараф, бунда гўзал ва осойишта отган ҳар бир тонгни қарши олиш бахт.

**Улуғбек АСРОРОВ,**
**Башорат ЮНУСОВА,**
**"Янги Ўзбекистон" мухбирлари**

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news

МУРОЖААТНОМАНИ ЎҚИБ...

# ОБОД ҚИШЛОҚ ВА МАҲАЛЛАЛАР

## одамлар қалбига янгиланиш нафасини олиб кирмоқда

Бошланиши 1-бетда

Буюк донишманд боболаримиз айтганидек, инсоний фазилат яхшиликка бошловчи ақл билан покиза туйғулардан яралади. Уларни дилдан такрорлаб, мунтазам амал қилиш камолотга элтувчи йўл бўлса, бахт инсон ҳаётининг мазмунига айланган мақсадлар такомилга етгандагина рўй беради.

Ҳаракатлар стратегияси ана шундай бахтга элтувчи даврни бошлаб берди. 2017 йилнинг ўзидаёқ мамлакатимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файзу барака муҳитида умргузаронлик қилаётган, уй-жойлари ва инфратузилма объектлари кўркамлигидан дили яйраган, фарзандларини замонавий билим масканларида камол топаётганидан кўнгли тоғдай юксалган юртдошларимиз сони бирданига ўн минглаб эмас, юз минглабга ортди. Ўзбекистон Президентининг Халқ қабулхоналари ва виртуал қабулхонаси одамлар дардини тинглаб, уларга амалий чоралар кўра бошлаши биқиқликдан зада кўнгилларга тоза ҳаво олиб кирди, янгича яшашга, ишлашга чорлади.

Энг муҳими, ушбу тизим боис, жамиятда сўз билан иш бирлиги бўй кўрсата бошлади. Айниқса, уй-жой масаласида. Тасаввур қилинг, 2017 йилнинг ўзида жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди, минглаб одамлар бошпанали бўлиб, янгича яшаш завқини сура бошлади. Бу рақамни аввалги йилларга таққослаганда, 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар кўп уй-жой қурилди.

**— Кейинги 25 йил мобайнида намунали**



**уй-жой қуришни ҳисобга олмаганда, қишлоқларнинг ташқи қиёфасини яхшилаш ва ободонлаштириш бўйича бирор-бир амалий иш қилинмаган, бунинг учун молиявий маблағлар ажратилмаган, — деган эди Президентимиз ўша кезлари ўтказилган йиғилишлардан бирида. — Аксарият қишлоқларда кўчалар, ижтимоий соҳа объектлари, ичимлик суви, электр таъминоти каби муҳим соҳалар йиллар давомида қаровсиз ва эътиборсиз қолиши натижасида ночор аҳволга келиб қолган.**

**Хароб ва файзи йўқ жойда яшаётган аҳолининг кайфияти ҳам, келажакка интилиши ҳам бўлмайди. Агар биз қишлоқларни обод қилсак, у ердаги халқнинг кайфияти ўзгаради, ўз ҳаётини янада яхшилашга интилиш пайдо бўлади, қишлоқлар иқтисодий юксалади. Буларнинг бари Ватанимизнинг ободлиги ва иқтисодий юксалиши учун яна бир муҳим туртки бўлади.**

## 2018 ЙИЛ

**417** та масканда қурилиш-таъмирлаш ишлар олиб борилди. Бунинг натижаларини ушбу рақамлар ифодалаб турибди. **127** минг **245** та уй-жой ва **1078** та кўп қаватли уйларни таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш, **2189** километр ичимлик суви тармоғи, қарийб **800** та ижтимоий соҳа ва **1750** та бозор инфратузилмаси объектларини қуриш ва капитал таъмирлаш каби ишлар бажарилди.



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яратилган "Обод қишлоқ" дастури ана шундай ўткир муаммоларга амалий жавоб, халқнинг кайфиятини кўтарадиган, ободлик ва иқтисодий юксалишга чорлайдиган ҳужжат сифатида юзага келди. Мазкур дастур концепцияси инсонпарварлик, халқпарварлик, олдимизда турган бири-биридан муҳим масалаларни комплекс ёндашув асосида ҳал этиш принципи асосига қурилди. Унинг туб моҳияти, ўзак ғояси ва пировард мақсади — халқимиз учун муносиб ҳаёт сифати ва турмуш фаровонлигини таъминлашга қаратилди.

Уни амалга ошириш механизмлари, йўллари ва усуллари даставвал тажриба сифатида амалиётда синовдан ўтказилди. Бунинг учун илк қадам ва манзил Жиззах вилояти Дўстлик туманининг Манас қишлоғи бўлди.

## МАНАС МЎЪЖИЗАСИ

Ўтган асрнинг 60-йилларида чўлларни ўзлаштиришга ялпи киришилгани, шу туфайли минглаб кишилар янги қўриқлар очишга сафарбар қилингани тарихдан яхши маълум. Айни ана шу тўлқин ичида бир пайтлар Жиззах чўлларини ўзлаштиришга сафарбар этилган чўлқуварларнинг кўчиб келиши билан ҳозирги Манас қишлоғи барпо бўлган. Орадан ярим асрдан зиёд вақт ўтган, замон эврилган, тузум ўзгарган, қишлоқ аҳолиси ҳам бир неча баробар кўпайган, бироқ тараққиёт бу қишлоқни четлаб ўтаверган. Оқибатда, ҳудуднинг қиёфаси ҳам, аҳволи ҳам, мавжуд шарт-шароитлар ҳам талабга жавоб бермай қўйган эди.




2018 йилнинг 14 февралида туни билан ёққан қалин қор Манас қишлоғини ҳам оппоқ кўрпага буркади. Аммо табиатнинг бу гўзал мўъжизаси манасликлар қалбида мамнунликдан кўра, кўпроқ хавотир уйғотди. Билч-билч лой кўчаларда оёқ босиб юриш машаққатга айланган. Чор-атрофини пала-партиш қурилмалар ўраган кўп қаватли уйларнинг эшик-деразаларидан сизиб кирган изғирин одамларни чақиб оладиган рутубатли бир тун эди. Нураган тандирлар ташқарида, электр чироғи липиллайди, сув ташиб келтириш-ку, катта бир ташвиш. Қишлоқдаги врачлик пунктида оддий шифокор анқонинг уруғидек гап. Буёқда ишсизлар кўп, қўл калта, рўзғор ғариб...

Ана шундай осмон олис, ер қаттиқ бир шароитда, кутилмаганда, Манасда бамисоли қуёш балқиди. Мамлакатимизда кечаётган шиддатли ўзгаришлар туфайли узоқ йиллик ўткир муаммоларни ҳал этиш, кенг кўламли бунёдкорлик ишларини олиб бориш орқали қишлоқда муносиб шароит яратиш, турмуш маданиятини юксалтириш йўлида амалий ишларга қатъий киришилди.

Бир кунда кўчаларни тўлдирган қудратли техникаларнинг гувиллаган шовқини атрофни тутгани, нурчию сувчи, қурувчию лойиҳачи, йўлсозу газчи, қўйингки, барча соҳа вакилларининг қишлоққа келиб, уларни бу оғир аҳволдан қутқазишга жадал киришгани дастлаб одамларни эсанкиратиб қўйгани ҳам сир эмас.

Давлатимиз раҳбари топшириғига мувофиқ тузилган Республика ишчи гуруҳи аъзолари, Президентнинг Халқ қабулхоналари, вилоят ва туман ташкилотлари мутасаддилари ҳудуддаги ҳар бир хонадон ва ижтимоий муассасаларга кириб, мавжуд ҳолатни атрофлича ўрганганлари, фуқароларнинг талаб ва истакларини тинглагани бажариладиган ишлар ҳажмини олдиндан аниқ белгилаб олиш имконини берди. Қисқа муддатда Манасда комплекс чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Қишлоқ шу кундан бошлаб катта қурилиш ва бунёдкорлик майдонига айланди. Барча бир ёқадан бош чиқариб, бир зум ҳам тинмай, уни обод масканга айлантиришга киришди.

Давлатимиз раҳбари Манасда олиб борилаётган ишлар билан мунтазам қизиқиб, хабар олиб тургани, юзага келган муаммоларни тезкор ҳал қилиш юзасидан зарур кўрсатма ва топшириқларни бериб боргани ишни самарали ташкил этишда ҳал қилувчи роль ўйнади, ҳашарчиларга катта кучғайрат бағишлади. Шу аснода ҳудуд манзараси кун сайин очилиб, гўзаллашиб бораверди.

Ҳа, бугун Манас аҳолиси мўъжизага қиёс қилса арзигулик янги ҳаёт, тез суръатларда кечаётган улкан ўзгаришлар оғушида яшамоқда. Манасдаги ўзгаришларга образли қилиб, мўъжиза, дея таъриф беріляпти. Лекин бу мўъжиза эртакларда бўлгани каби йўқ жойдан пайдо бўлиб қолмади. Бу мўъжиза — инсонга хос бўлган тенгсиз ижодкорлик, яратувчилик, азму шижоат маҳсули.

Ўйласанг, ақлинг шошади, кўрсанг, кўзинг қувнайди. Манасликларни узоқ йиллардан бери ўйлантирган муаммолар — йўллар, ичимлик суви, электр энергияси билан боғлиқ масалаларнинг ечилиши, кўп қаватли уйларнинг чирой очиши, уларда инсон ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун барча шароитнинг яратилиши, шаҳарликлар ҳам орзу қиладиган боғча, мактаб, маҳалла бинолари, муҳташам маданият саройи, энг замонавий тиббий жиҳозларга эга оилавий поликлиника, 17 та болалар майдончаси, 2 та кичик футбол майдони, 250 ўринли стадион, янги тикувчилик мажмуалари, одамларнинг косасини оқартираётган чорвачилик мажмуаси, новвойхона, замонавий ҳаммом ва яна бошқа қатор объектлар... Буларнинг барчасини бунёд этишга 45 кун керак бўлди.

Бу ердаги энг катта муаммолардан бири ишсизлик, шу жумладан, аёллар ўртасидаги бандлик масаласи эди. Бугун эса қишлоқда бекорчи одамни топиш қийин: қисқа вақт ичида 450 нафардан ортиқ фуқаро доимий иш билан таъминланди. Хусусан, 200 нафар хотин-қиз тикувчилик курсларида ўқитилиб, уларнинг 100 нафари "Манас" тикувчилик мажмуасига, 100 нафари "Манас чеварлари" корхонасига ишга қабул қилинди.

Маданият саройига ёндош ҳудудда яратилган яшиллик олами — аҳоли дам олиш маскани ва ёшлар хиёбони, бу ерда барпо этилган турфа рангларда жилоланувчи фаввора, баравж майсазорлар ягона бир меъморий ансамблни вужудга келтирган.

Хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш, аҳоли оғирини енгил қилиш мақсадида Давлат хизматлари агентлигининг филиали, турли савдо дўконлари, маиший, алоқа ҳамда бошқа замонавий шохобчаларни ўзида мужассам этган йирик марказ, маҳсулотлар ассортиментига кўра, шаҳардагидан ҳеч қолишмайдиган супермаркет фаолияти йўлга қўйилган.

Қишлоқнинг мавжуд 26 та кўчасидаги барча ҳовли-уйларда ҳам қурилиш-таъмирлаш, тозалик, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари бажарилгани ҳудуднинг ҳавас қиладиган даражадаги манзарасини ҳосил қилди. Шу билан бирга, томорқа хўжалигидан самарали фойдаланиш, янги боғлар, иссиқхоналар барпо этиш, чорвачилик, паррандачилик, қуёнчиликни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Президентимиз Манасда амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишар экан, энг муҳими, қишлоқ аҳолисининг кайфияти, турмуш даражаси, дунёқараши ва ҳаётга муносабати ўзгариб, уларда эртанги кунга мустаҳкам ишонч пайдо бўлганини эътироф этди.

## ҚИШЛОҚЛАР ТАҚДИРИНИ ЎЗГАРТИРГАН ҲУЖЖАТЛАР

Манасдаги янгиланишлар юртимиздаги янги ўзгаришлар тўлқинининг дебочаси бўлди. Нега деганда, "Обод қишлоқ" дастури деб аталмиш эзгулик иморатининг илк ғишти айнан шу ерда қўйилди. Овозаси бутун юртимиз бўйлаб таралган дастур Манасда парвоз қилиб, диёримиздаги қишлоқ ва овуллар, маҳаллалар узра қанот ёзди.

Президентимиз бу жараённи шундай ифодалаган эди:

**"Манас биз учун шундай тажриба мактаби бўлдики, агар қишлоқларни замонавий масканга айлантириш, иқтисодий-ижтимоий муҳитни яхшилаш, одамлар кайфиятини ижобий томонга кескин ўзгартиришни олдимизга мақсад қилиб, изчил ҳаракат қилсак, бунга эришиш мумкинлигига одамларни ишонтира олдик, ўзимизда ҳам ишонч ва қатъият ошди".**

Ана шу ишонч ва қатъият асосида, Манас тажрибаси мисолида "Обод қишлоқ" дастурининг амалий дастаклари ишлаб чиқилди. Уларнинг барча жиҳатлари давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 29 мартда қабул қилинган "Обод қишлоқ" дастури тўғрисида"ги фармони ҳамда "Обод қишлоқ" дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида ўз ифодасини топди. Ушбу ҳужжатларда белгиланганидек, мамлакатимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида, аввало, олис ва табиий иқлим шароити оғир ҳудудларда 2018 йилда 2 тадан, келгуси йилларда 3 тадан қишлоқ ва маҳаллада "Обод қишлоқ" дастури амалга оширилиши белгиланди. Шу йили 417 та масканда қурилиш-таъмирлаш ишлар олиб борилди. Бунинг натижаларини ушбу рақамлар ифодалаб турибди. 127 минг 245 та уй-жой ва 1078 та кўп қаватли уйларни таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш, 2189 километр ичимлик суви тармоғи, қарийб 800 та ижтимоий соҳа ва 1750 та бозор инфратузилмаси объектларини қуриш ва капитал таъмирлаш каби ишлар бажарилди.

2019 йилда бу ишлар кўлами янада кенгайди. "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш юмушлари бажарилди. Бунга 6,1 триллион сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 триллион сўм кўп маблағ сарфланди.

Қишлоқ жойларда —17 минг 100 та, шаҳарларда — 17 минг 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди. Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал ҳам тўлаб берилди.

## 2019 ЙИЛДА

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида **479** та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги **116** та маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш юмушлари бажарилди. Бунга **6,1** триллион сўм ёки **2018** йилга нисбатан **1,5** триллион сўм кўп маблағ сарфланди.




Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.

Рақамлар салмоғидан ва кўламидан ҳам амалга оширилган ишларнинг улуғворлиги яққол кўриниб турибди. Шундай бўлса-да, бунга қандай омиллар дастак бўлди, деган савол туғилиши табиий. Энг аввало, дастурда белгиланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир қишлоқда бажариладиган чора-тадбирларнинг изчиллиги, лойиҳаларни молиялаштириш манбалари, моддий ресурслар таъминотининг узвий ва чамбарчас режаси ишлаб чиқилди. Бунда нафақат шаҳарсозлик қоидалари ва иқтисодий омилларни, балки ҳудуднинг ландшафти, экологик-эстетик талаблари ҳам ҳисобга олинди.

Ҳар бир бино, у боғча бўладими, шифохонами, маҳалла гузарими ўз асосий вазифасини бажаришдан ташқари, кўриниши билан одамларнинг кайфиятига ҳам бевосита таъсир этади. Шу жиҳат инобатга олиниб, ҳудудларда қурилиши режалаштирилаётган ижтимоий объектларни лойиҳалаштиришда эски қолиплардан воз кечиб, инновацион ёндашувларни жорий этишга ҳаракат қилинди.

Шу боис, Гагариндаги биноларнинг меъморий қиёфаси Мўйноқ, Жўш, Чияли, Эшонободдаги ижтимоий бинолардан фарқ қилади, ўз навбатида, улар юртимизнинг барча вилоятларида қад ростлаган объектларга ўхшамайди. Уларнинг умумий ўхшашлиги яратилган замонавий шарт-шароитларда, шаҳарга хос бўлган инфратузилманинг мужассамлигида намоён бўлади.

Айтиш жоиз, дастур доирасида қайта қурилган барча қишлоқлар ўз маданият кошоналарига, ёшлар уйларига эга ва уларнинг ҳаммасида миллий ва хорижий беназир адибларнинг сара асарлари жамланган кутубхоналар мавжуд.

Янгидан чирой очган масканларда Президентимизнинг беш эзгу ташаббуси, "Бир миллион дастурчи" лойиҳаси доирасида амалга оширилган шароитлар, турли тўгараклар, қишлоқ аҳли ва ёшлар учун бошқа замонавий имкониятлар яратиш ҳам диққат-эътибор марказида бўлиб келяпти.



Яна бир муҳим жиҳати, "Обод қишлоқ" дастури доирасида аҳоли, айниқса, хотин-қизларни иш билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Ҳар бир қишлоқда тикувчилик цехлари қад ростлаётгани, уларда ишлайдиган минглаб ёшлар ўқитилиб, чеварлик касбини эгаллаётгани ва даромад топаётгани дастур ҳар томонлама ўйланиб, комплекс ёндашилганини кўрсатиб турибди.

Ўзгаришларга гувоҳ бўлган халқаро ташкилотлар вакиллари, шу ерларда вояга етган, лекин тақдир тақозоси билан ҳозирги кунда бошқа юртларда яшаётган кишиларнинг таассуротларини ёдга олиш фойдадан холи бўлмайди.

— Бу ерда кўрганларим мен учун кутилмаган янгилик бўлди, — деган эди БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Хелена Фрейзер обод масканлардан бирида бўлгач. — Одамларни уй-жой билан таъминлаш, улар учун яшаш шароити яратиб бериш масаласи БМТ фаолиятидаги энг муҳим масала ҳисобланади. Ўзбекистон ҳукуматининг бу масалани ҳал этишга катта эътибор билан қараётганидан жуда мамнунмиз. Биз интилишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

—Ўзбекистон тинчлик-осойишталик туфайли жадал ривожланмоқда, — дейди Россия Федерацияси Давлат думаси федерал мажлисининг мудофаа қўмитаси раиси, Россия Қаҳрамони Владимир Шаманов. — Мен Гагаринда қад ростлаган муҳташам иншоотларда, ўқиган мактабимнинг кўркам биносида, одамларга давлат томонидан қуриб берилган замонавий уйларда, маҳаллалар ободлигида айнан ана шу тинчлик ва осойишталик самарасини кўрдим. Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлашга, кичик Ватаним бўлган Гагарин шаҳрининг янада обод бўлишига ҳисса қўшишни истайман.

Бундай самимий сўзларни яна кўплаб келтириш мумкин. Улар замирида қишлоқ ва маҳалларимиздаги ўзгаришлар қўни-қўшни юртларда яшаётганлардан тортиб, дунёнинг нуфузли ташкилотлари вакилларида ҳам ҳавас уйғотётганидан далолат беради. Айни кезда ушбу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшишга, иштирокчи бўлишга иштиёқ ҳам устувор. Бунга Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилаётган катта миқдордаги имтиёзли кредитларни амалий далил сифатида келтириш мумкин.

**Мурожаатномада "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари муҳим масала сифатида эътироф этилиб, сўнгги 3 йил доирасида 5 миллионга яқин аҳоли яшайдиган 1 минг 200 та маҳалла ва қишлоқ қиёфаси тубдан ўзгарганига алоҳида урғу берилди. Лекин пандемия туфайли ушбу йўналишдаги ишларни вақтинча тўхтатишга мажбур бўлингани ҳам бор гап.**

**Шу боис, Вазирлар Маҳкамаси зиммасига бир ой муддатда 2021 йил учун "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини ишлаб чиқиб, тасдиқлаш, уларни республика ва маҳаллий бюджетлар томонидан тенг улушларда молиялаштиришни назарда тутиш вазифаси қўйилди. Халқаро молия институтлари мазкур дастурда иштирок этиш учун 270 миллион доллар йўналтиришга тайёр эканини билдирган.**

Демак, 2021 йилда обод бўладиган қишлоқ ва маҳаллар қамрови янада кенгаяди.

Одам боласи ҳаётида икки нарсани: отаонани ва Ватанни ўз истагича танлай олмайди. Ушбу беназир неъматларни Аллоҳнинг ўзи инъом этади. Бу ёруғ оламга келган инсон бахт-саодат туйғусини туйиши учун, аввало, ўз ҳаётидан қониқиш ҳосил қилиши, рози бўлиб яшаши керак. Бунинг учун эса, сўз билан иш бирлиги, жамиятдаги ўзгариш ва ислоҳотлар халқнинг, одамларнинг ҳаётида, кундалик турмушида янгиланишлар саҳифасини очиши, ўз навбатида, инсон қалби, онги ва дунёқарашидаги юксалишлар ижтимоий ҳаётда кескин ўзгаришларга замин яратади. Том маънода олганда,"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиб келяпти ва бундан буён ҳам юртдошларимизнинг янгидан-янги орзу-ниятларини рўёбга чиқаришнинг ҳаётбахш дастури ва таянчи бўлиб қолади.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ



# ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ПОЙДЕВОРИ

**Дунё ҳамжамиятининг ҳозирги тараққиёт босқичи инвестицияларсиз бирорта ҳам мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эриша олмаслигини кўрсатиб турибди. Инвестиция ресурсларини ўз вақтида миллий иқтисодиётга жалб қилиш имконияти бўлмаган, пул маблағлари танқислигини бошидан кечираётган давлатлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича дунё мамлакатлари даражасидан анча орқага, қолиб кетаётганига гувоҳ бўляпмиз. Мазкур ҳолатнинг ечими молиявий маблағлари ортиқча, ривожланган мамлакатлардаги капитал ресурсларни ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига жалб қилишдир.**



*Президентимизнинг Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш орқали эришилишини таъкидлаб, келгуси йилда 23 миллиард доллар қийматидаги инвестициялар ўзлаштирилиши ва бунинг натижасида 226 та йирик саноат ва инфратузилма объектлари ишга туширилиши қайд этилди. Ўзбекистон Республикаси Инвесторлар уюшмаси раиси* ***Мавлон МУҲИТДИНОВ*** *билан бўлган суҳбатимизда мамлакатнинг бугунги инвестиция қиёфаси, инвестициялар оқимини назорат қилишнинг янги механизми ҳамда бу соҳада кўзга ташланаётган айрим муаммолар хусусида сўз борди.*

— Мурожаатномада ўтган йил якунлари сарҳисоб қилиниб, келгусидаги барча соҳаларда амалга оширилиши керак бўлган вазифалар белгиланди, — дейди Инвесторлар уюшмаси раиси Мавлон Муҳитдинов. — Айтиш керакки, Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилида ҳамма йўналишдаги ижобий натижалар қаторида инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди. Республика бўйича 197 та йирик, минглаб кичик ва ўрта корхоналар ҳамда инфратузилма объектлари барпо этилди.

Хусусан, “Навоийазот”да аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш комплекси ҳамда азот кислотаси заводи, Муборак, Газли ва Шўртан нефть-газ корхоналарида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қурилмалари, Тошкент металлургия заводи каби йирик қувватлар ишга туширилди.

Биргина энергетика соҳасида хорижий инвесторлар билан давлат-хусусий шериклик асосида 6 та янги электр станциясини барпо этиш ишлари бошланди. Уларнинг умумий қиймати 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, 2 минг 700 мегаватт қувватга эга.

2020 йил бўйича республикамиз Жаҳон банкининг “Бизнесни юритиш” (Doing Business) рейтингида дунёнинг 190 та давлатлари орасида 7 поғона кўтарилиб, 69-ўринни, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича 8-ўринни эгаллади ҳамда энг яхши ислоҳотчи давлатлар қаторидан жой олди.

Жаҳонда давом этаётган коронавирус пандемияси сабабли 2021 йил миллий иқтисодиёт учун осон бўлмаслиги, бунда инвестицияларни жалб қилиш, ўзлаштириш ва экспорт прогнозларини таъминлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ҳозирданоқ аниқ, манзилли чоралар кўриш алоҳида аҳамият касб этади.

Мурожаатномада Президентимиз инвестиция сиёсатини юритишда давлат иштирокини пасайтириб, хусусий ва тўғридан-тўғри инвестициялар улушини ошириш кераклигини таъкидлади. Шуни эътиборга олиш керакки, геология соҳасида жорий йилда 21 та кон ва истиқболли майдонлар очиқ аукцион орқали инвесторларга сотилди. 2021 йилда яна 50 та кон ва истиқболли майдонлар маҳаллий ва чет эллик инвесторларга очиқ механизмлар асосида сотиш мўлжалланмоқда. Бундай ишларни бошқа йўналишларда ҳам давом эттириш кераклиги илгари сурилди.

**— Мурожаатномада илгари сурилган ғоя ва мақсадлар Инвесторлар уюшмаси зиммасига қандай вазифаларни юклайди?**

— Уюшмамиз Президентимизнинг 2019 йил 17 январдаги фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”ни “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол инвестиция жалб этишнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган. Унинг асосий мақсади Ўзбекистонда инвестициявий муҳитни яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий ва хорижий инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборат.

Шу кунгача уюшма республикага чет эл инвестицияларини жалб этишда, шунингдек, маҳаллий тадбиркорлик субъектларига хорижий компаниялар билан амалий алоқаларни ўрнатишда ва ташқи ҳамкорларни топишда кўмаклашиб, ягона давлат инвестиция сиёсатининг амалга оширилишида, давлат ривожланиш ва инвестиция дастурлари, шу жумладан, тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурларининг ишлаб чиқилиши ҳамда самарали ижро этилишида иштирок этиб келмоқда. Мурожаатномада белгиланган йўналишлар ишлар кўламини янада кенгайтириш, асосийси, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга салбий таъсир кўрсатадиган муаммоларни доимий асосда ўрганиш вазифасини қўяди.

Маълумки, инвесторларни жалб қилишдаги асосий жиҳат қонунчиликнинг мустаҳкамлигидир. Яъни, инвесторлар ҳуқуқи етарли даражада қонун билан ҳимояланган давлатга ишбилармонлар ўз капиталини киритишни ва тадбиркорлик фаолиятини олиб боришни истайди. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига асосан, суд Ўзбекистон Республикасининг қонунига ёки халқаро шартномасига мувофиқ, чет давлатларнинг ҳуқуқ нормаларини қўллайди. Кодекснинг 14-моддасида эса чет давлат ҳуқуқи нормаларини қўллашда суд ушбу нормаларнинг мазмунини уларнинг тегишли чет давлатда шарҳланишига ва амалда қўлланилишига мувофиқ ҳолда аниқлаши белгиланган.

Демак, бундан кўриниб турибдики, республикамизда чет давлатининг ҳуқуқ нормаларини амалиётга жорий этиш учун миллий қонун ҳужжатларимизда етарли асос мавжуд бўлиб, чет эллик инвесторлар ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар билан боғлиқ низоларни ҳал этишда суд амалиётини янада такомиллаштириш мумкин.

2021 йилда инвесторлар фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда фаол қатнашамиз, таклифларни бериб, инвестицион жозибадорликка тўсиқ бўлувчи унсурларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз. Қолаверса, ҳуқуқий маслаҳатхоналар очиш, турли экспертларни жалб қилиш ҳам кўзда тутилмоқда. Сабаби, инвестор ҳудудимизга келгач, ҳеч қандай муаммога дуч келмаслиги, қайси эшикка боришни, кимга учрашишни билмай, сарсон юрмаслиги керак. Уюшма бу борада бамисоли инвесторни давлат органлари билан боғлайдиган кўприк вазифасини ўтайди. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида инвесторлар учун электрон ахборот-маълумот платформасини яратиш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, чет эллик ишбилармонлар иштирокида форумлар ўтказиш, хорижнинг йирик компаниялариga бизнес-турларни ташкил этиш ҳам инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади.

**— Инвестиция лойиҳалари йилдан-йилга ошиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Хўш, уларни назорат қилиш масаласи қандай бўлади? Жараёнга назорат ва мониторинг қилиш тизимини жорий этиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бунда ахборот ва коммуникация технологияларидан фойдаланиш қай даражада?**

— Албатта, инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини оширишда уларни мониторинг қилиш зарурияти вужудга келади. Бунда лойиҳаларни инвестиция киритилишидан олдинги дастлабки баҳолаш, амалга ошириш жараёнидаги оралиқ баҳолаш ва эришилган натижалар бўйича якуний баҳолаш муҳим ўрин тутади.



Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 22 июлдаги “Инвестиция лойиҳаларини назорат ва мониторинг қилиш соҳасида ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан “Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш” автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш регламенти тасдиқланган.

Мазкур регламент лойиҳаларни амалга оширишнинг барча босқичларини назорат ва мониторинг қилиш жараёнини онлайн режимида кузатиш имкониятини таъминлайдиган ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Бунда ушбу регламент Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига ва ҳудудий инвестиция дастурларига киритилган лойиҳалар ташаббускорлари бўлган вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга, шунингдек, лойиҳаларнинг амалга оширилишини назорат ва мониторинг қилиш вазифасини бажарувчи давлат органларига татбиқ этилади.

Мазкур ахборот тизимининг асосий мақсади лойиҳаларнинг амалга оширилишини ҳисобга олиш, назорат ва мониторинг қилиниш жараёнларини, иштирокчилар фаолиятини автоматлаштириш ҳамда лойиҳалар муддати, бюджети, мақсадлари ва кўрсаткичларига риоя қилинишини кузатиб боришга қаратилади.

Қолаверса, ижро этувчи агентликлар томонидан лойиҳани жорий қилиш, шу жумладан, ахборот тизимига муддатлар, ресурслар, манбалар, мақсад ва кўрсаткичлар бўйича маълумотларни киритиш ва тасдиқлаш, турли параметрлар кесимида таҳлилий ҳисоботларни шакллантириш ва киритиш, уларнинг амалга оширилиш ҳолати бўйича даврий маълумотларни тўплаш ва ҳисоботларини ташкил этиш ҳам уларнинг вазифалари сирасига киради.

Бундан ташқари, лойиҳа фаолияти иштирокчилари ўртасида ташкилий-бошқарув жараёнларини, амалга оширилган ва оширилаётган лойиҳалар бўйича маълумотлар базасини юритиш, таваккалчиликларни ҳамда лойиҳалар амалга оширилгандан сўнг мақсадли кўрсаткичларга эришишни кузатиш воситасини яратиш ҳам кўзда тутилган.

**— Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш босқичлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари қандай? Шунингдек, инвестиция муҳитини янада яхшилашга оид таклифлар ҳам шаклланяптими?**

— Ривожланган давлатларнинг илғор тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, республикамизда ҳозирги кунда инвестиция лойиҳалари алоҳида уч босқичда амалга ошириб келинмоқда.

Биринчи, яъни, дастлабки босқичда лойиҳалар тўғрисида стратегик ахборот тўпланиб, уларнинг энг яхшиларини танлаш ва мумкин бўлган муқобил лойиҳаларга концептуал ечим топиш имконини беради. У лойиҳалар бўйича якуний қарор қабул қилингунига қадар давом этади.

Иккинчи, яъни, лойиҳани амалга оширишнинг инвестиция босқичидаги оралиқ мониторингда унинг кутилган натижалари ва муваффақият кўрсаткичлари баҳоланади. Бу улар амалга оширилгунига қадар давом этадиган имплементация жараёнидир.

Учинчи босқич инвестициядан кейинги баҳолаш бўйича унинг мақсадли, лойиҳани амалга оширишнинг якуний натижаларини, узоқ муддатли барқарорлигини ва муваффақиятини баҳолашдан иборат. Якуний босқич лойиҳанинг фойдали жиҳатларини қамраб оладиган жараённи ўз ичига олади.

Таклифларга келадиган бўлсак, хорижий давлатларнинг ўз ҳудудида инглиз ҳуқуқи тизимини жорий этиш бўйича илғор тажрибасини ўрганиб, ушбу тизимни Ўзбекистон ҳудудида, аввалambor, эркин иқтисодий зоналар ва йирик шаҳарлар ичидаги замонавий ишбилармонлик марказлари ҳудудларида жорий этиш, шунингдек, уларнинг резидентлари иштирокидаги иқтисодий тусдаги низоларни ҳал этиш учун чет давлат ҳуқуқи нормаларини қўлловчи инвестицияга оид низолар бўйича судлар ташкил этиш керак.

Ҳуқуқий тажриба сифатида биринчи навбатда “Tashkent city” халқаро ишбилармонлик маркази ҳудудида инвестицияга оид низоларни кўриб чиқувчи ихтисослаштирилган судни ташкил этиш ҳамда мазкур ҳудуд иштирокчилари томонидан тузиладиган ҳар қандай битимдан келиб чиқадиган низоларни инглиз ҳуқуқининг нормалари асосида ҳал этиш имкониятини қонун ҳужжатлари орқали мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда суд ҳокимиятининг том маънодаги мустақиллигини таъминлаш, судларни инвесторлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ва мустаҳкам ҳимоя қиладиган, иқтисодий соҳадаги ўзгаришларнинг муҳим воситаси бўлган институтга айлантириш йўлидаги кенг қамровли ислоҳотлар тизимли равишда давом эттирилиши лозим.

Бунинг натижасида мамлакатимизда инвесторлар, шу жумладан, чет эллик инвесторлар ҳуқуқ ва манфаатларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, уларнинг суд ҳокимиятига ишончини ошириш, бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистонда янада жозибадор инвестициявий муҳит яратишга ва “Бизнесни юритиш” халқаро рейтингида давлатимиз нуфузини тубдан оширишга туртки бўлиб хизмат қилади.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири**
**Соҳиба МУЛЛАЕВА суҳбатлашди.**

---

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

# ЭЛЧИ АГОСТИНО ПИННА: “ТЕХНОПАРК”ДА ЯРАТИЛГАН ИМКОНИЯТЛАР ИТАЛИЯ КОМПАНИЯЛАРИ УЧУН ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРНИ ОЧМОҚДА”

**Мамлакатимизнинг Италиядаги элчиси Отабек Акбаров ва Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси Агостино Пинна Тошкент шаҳар Яшнобод туманида ташкил этилган “Технопарк”да бўлиб, бу ерда яратилган ишлаб чиқариш имкониятлари, Италия компаниялари билан ҳамкорликда тайёрланаётган маҳсулотлар билан танишди, қўшма инвестициявий лойиҳаларни янада кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилди.**

Элчилар лифт, эскалатор, музлаткич, саноат кондиционерлари ва совутиш тизимлари, газ ҳисоблагичлар, сув насослари ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнини кузатди.

“Технопарк”да Италиянинг “Pietro Fiorentini” компанияси билан ҳамкорликда “Osten” бренди остида замонавий газ ҳисоблагичлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. 2020 йил февраль ойида фаолият бошлаган корхонада 500 иш ўрни яратилгани эътиборга лойиқ. Бу ерда йилига 3,5 миллион дона газ ҳисоблагичи ишлаб чиқариш қуввати мавжуд. Аҳамиятлиси, маҳсулотларнинг аксарият бутловчи қисмлари шу ернинг ўзида тайёрланмоқда.

Ўзбекистоннинг Италиядаги элчиси Отабек Акбаров бугун мамлакатимиздаги қатор корхоналарда Италиянинг илғор технологиялари ва ускуналаридан кенг фойдаланилаётганини таъкидлади. Хусусан, бу Италиянинг “Pietro Fiorentini”, “Teronollo” ва бошқа компаниялари билан ҳамкорликда ташкил этилган инновацион газ ҳисоблагичларини ишлаб чиқариш жараёнига ҳам тегишли.



Корхонада ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ва уларни хорижий давлатларга экспорт қилиш мақсадида бир неча сменада узлуксиз ишлаб чиқариш жараёни ташкил этилган.

Бугун Италиянинг яна бир нечта компанияси билан музокаралар олиб борилмоқда. Хусусан, “Ferolli” компанияси билан иситиш қозонлари, “Embraco” компанияси билан эса компрессорлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш истиқболлари ўрганилмоқда. Жорий йилда иккита корхона фаолиятини йўлга қўйиш кутиляпти.

“Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Эски ишлаб чиқариш ускуналари замонавийларига алмаштирилмоқда. Шу нуқтаи назардан, Италия ўзининг янги технологиялари, юқори малакали муҳандислари ва ноу-хаулари билан ушбу жараёнда фаол иштирок этиши мумкин”, — деди элчи.

Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси Агостино Пинна янги қўшма корхоналар Ўзбекистон ва Италия ўртасидаги ҳамкорлик кўламининг кенгайишига хизмат қилаётганини таъкидлади.



— Мен Ўзбекистонда элчилик фаолиятимни бошлаганимдан бери илк марта Яшнобод “Технопарки”га келдим, — деди дипломат. — Бу ерда амалга оширилган ишлар эътиборга молик. “Технопарк”да бўлиш ва хорижий инвесторлар учун яратилган имкониятлар билан танишиш менда катта таассурот қолдирди. Мамлакатимизнинг етакчи компанияларидан бири “Pietro Fiorentini” ушбу имкониятлардан фойдаланиб, ўзбекистонлик шериклар билан замонавий газ ҳисоблагичлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган. Ушбу компания Ўзбекистонга сармоя киритиб, фаол ҳаракат қилмоқда. Қисқа вақт ичида зарур технологик ускуналар ўрнатилди ва ишлаб чиқариш жараёни қизғин давом этмоқда.

“Ушбу лойиҳа мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмининг ортиши, Италия бизнесининг Ўзбекистондаги иштироки фаоллашувига хизмат қиляпти, деб ҳисоблайман. Италия компаниялари учун янги истиқболлар очилмоқда. “Технопарк”ка келишдан олдин телевизорда ушбу лойиҳа тўғрисидаги лавҳани томоша қилгандим. Аммо буларнинг барчасини ўз кўзим билан кўрганим яхшироқ бўлди, албатта. Айни пайтда Италиянинг Ўзбекистонга сармоя киритишга тайёргарлик кўраётган яна иккита компанияси билан музокаралар давом этмоқда”, — деб таъкидлади дипломатик миссия раҳбари.

Меҳмонларга “Технопарк” фаолияти ва Италия компаниялари билан ҳамкорликда амалга ошириладиган навбатдаги лойиҳалар бўйича тақдимот намойиш этилди. 2021 йил охирига қадар импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган яна 11 та йирик инвестиция лойиҳасини ишга тушириш режалаштирилгани таъкидланди. Мазкур лойиҳалар доирасида 12 мингга яқин иш ўрни яратилади.

“Pietro Fiorentini” компанияси 70 йилдан ортиқ тажрибага эга ва дунёда юқори сифатли газ ҳисоблагичлари ишлаб чиқарувчиси сифатида ном қозонган. “Teronollo” ҳам газни бошқариш ва ўлчаш ускуналари тайёрлаш бўйича дунёдаги етакчи компанияларидан бири ҳисобланади.

Тақдимотда, шунингдек, “Ferolli” компанияси билан ҳамкорликда йилига қуввати 100 киловаттдан 6 мегаваттгача бўлган 2 мингта қозонхона ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилаётгани маълум қилинди. Мазкур лойиҳа доирасида тахминан 7,5 миллион долларга тенг ҳажмда сармоя ўзлаштирилади. Корхона жорий йил сентябрь ойида тўлиқ ишга тушиши кутилмоқда. Европа стандартлари асосида тайёрланадиган маҳсулотларнинг бутловчи қисмлари ҳам маҳаллийлаштирилади.

16 та саноат корхонаси ва логистика марказини бирлаштирган “Технопарк” Марказий Осиёда ички ва ташқи бозорларга йўналтирилган кенг турдаги саноат, электрон, қурилиш ва маиший маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган энг илғор ва истиқболли мажмуага айланиши таъкидланди.

**Музаффар КОМИЛОВ**
*“Дунё” АА*




ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

# ҚАЛБЛАРДА ДЎСТЛИК, МАРДЛИК ВА ФИДОЙИЛИК ТУЙҒУЛАРИ

Орифжон ЖЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

**Наманганда 60, Янгиқўрғондан 35 километр олисда жойлашган Нанай қишлоғи аҳли кеча ҳақиқий байрамга гувоҳ бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўтказилган Ёшлар форумида илгари сурилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Янгиқўрғон туманининг Нанай қишлоғида ташкил этилган фестивалда Наманган вилояти ҳокимлиги, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.**






## СПОРТНИ СЕВ, СПОРТ БИЛАН ЯША!

Тадбир муқаддимасида яқинда республика чемпиони бўлган янгиқўрғонлик волейболчи қизлар шарафланиб, уларнинг бу ютуғи замирида мураббий Илҳомжон Турдиевнинг алоҳида ҳиссаси борлиги таъкидланди. “Чекка жойларда спорт шундай фидойи инсонлар туфайли ривожланмоқда. Уларни эъзозлашимиз ва меҳнатини қадрлашимиз, бундай мураббийлар сафини кенгайтиришмиз керак”, деди вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов.

Шундан сўнг спортнинг оғир атлетика, волейбол, мини-футбол, стол тенниси, бокс каби турлари бўйича кўргазмали чиқишлар бўлди. Тумандаги мусобақаларда ғолибликни қўлга киритган спортчиларга ташаккурномалар ва қимматбаҳо эсдалик совғалар топширилди.

— Бу кун биз учун унутилмас бўлиб тарихга муҳрланади. Вилоятимиз ҳокими Янгиқўрғон туманида жисмоний тарбия ва спорт тизимининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида спорт жиҳозлари харид қилиш учун 100 миллион сўмлик сертификат топширди. Шу ишонч ва рағбатни хушхабарлар, ёрқин ғалабалар билан оқлаймиз. Қаранг, эртанги кунга ишонган ўғил-қизларнинг кўзлари ёниб турибди, — деди Янгиқўрғон туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими бошлиғи Сардорбек Асқаров.

Фестиваль доирасидаги “Ҳоким ва ёшлар” учрашувида вилоят ҳокими сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшлар сиёсатига қаратилаётган эътибор сифат ва самарадорлик жиҳатидан янги босқичга кўтарилганини, “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб эълон қилинган 2021 йилда ёшларнинг орзу-истаклари рўёбида ҳақиқий туб бурилишлар бўлишини таъкидлаб ўтди.




Қайд этиш жоиз, 2020 йилда Тўрақўрғон туманида ёшлар билан ўтказилган шундай очиқ мулоқотда вилоят маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан 33 нафар талабага жами 463 миллион сўмлик шартнома пуллари тўлаб берилганди. Бундай хайрли анъана жорий йилда ҳам давом этди. Вилоятдаги эҳтиёж ва талаб юқори бўлган, мутахассислар етмаётган соҳаларни инобатга олган ҳолда, олий таълим муассасаларининг тиббиёт йўналишларида ўқиётган 20 нафар талабага жами 160 миллион сўмга тенг бир йиллик тўлов-контракт пуллари ўтказилгани ҳақидаги сертификатлар топширилди.

— Тўрақўрғон туманининг Яндама қишлоғиданман. Иқтидорли, зукко, аълочи, ташаббускор, таълим-тарбия ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган талабалар қаторида эканлигимдан ғоят хурсандман. Андижон давлат тиббиёт институти, педиатрия факультетининг 3-босқичида таҳсил оляпман. Отам — қурувчи, онам — ҳамшира. Волидамнинг касби менда ҳавас уйғотган. Келажакда етук ва жамиятимизга беминнат нафи тегадиган болалар шифокори бўлишни ният қилганман. Фурсатдан фойдаланиб, бир йиллик тўлов-шартномамни тўлашга ҳисса қўшган барчага миннатдорлик билдираман, — дея қувончини ўртоқлашди Абдулазиз Абдулходиев.

Наманган шаҳридаги 26-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси, ЎзМУнинг амалий математика факультети талабаси Дилёрбек Абдулҳамидовга ҳам бир йиллик тўлов-контракт пули тўлаб берилганидан муассаса директори Дилором Абдураҳимованинг қувончи чексиз.

Очиқ мулоқотда Нанай маданият саройига 50 миллион сўмлик чолғу асбоблари, кутубхонасига 1000 дона китоб инъом этилгани санъатга, адабиётга ошно ёшлар учун чинакам туҳфа бўлди. Қолаверса, Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси томонидан ўрганишлар натижасида “Темир дафтар”-га киритилган, маҳаллалардаги бир қатор уюшмаган ёшларга энг сара бадиий асарлардан иборат китоблар тўплами улашилди.

Бундан ташқари, вилоят раҳбари Нанай қишлоғида “Темир дафтар” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган хонадонларда бўлиб, одамлар билан гаплашди. Хусусан, “Сойбўйи” маҳалласида яшовчи Мирзақаюмовлар хонадонидаги учрашув ҳаяжонли таассуротларга бой бўлди. Боиси, оила фарзандлари Наима ва Нодирбекларга замонавий ноутбук ҳамда китоблар жамланмаси туҳфа қилинди. Коллежни тамомлаган битирувчи қизни иш билан таъминлаш юзасидан тегишли сектор раҳбарига аниқ вазифа юклатилди.

## ЭНДИ ЮЗЛАБ ЁШЛАРНИНГ ИШ ЖОЙИ БОР

Янгиқўрғон туманидаги “Бешбулоқ” маҳалласида ёшлар фестивали доирасида “Мадина Шоҳруҳ текстиль” корхонасининг очилиш маросими бўлди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши ҳисобига 300 га яқин янги иш ўрни яратилди. 130 нафар ёш ва 50 нафар “Темир дафтар”-даги фуқаро бандлиги таъминланди.

Корхона йилига 2,5 миллион дона тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Айни пайтда уни кенгайтириш бўйича аниқ ишлар олиб борилмоқда. Натижада туманда бўш юрган йигит-қизлар учун қўшимча иш ўринлари пайдо бўлади.

— Чекка ҳудудларда шундай корхоналар очилиши, биринчи галда, ёшлар бандлигида муҳим аҳамиятга эга. Муқим иш ўрни ва доимий маош уларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди, четга иш излаб кетиш ҳам сезиларли даражада камаяди, — деди маросимда иштирок этган вилоят раҳбари.

Вилоят ҳокими ва сектор раҳбарлари корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар, ишчи-ходимлар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

Фестиваль давомида Янгиқўрғон туманидаги “Водий” маҳалласида “Yan Med Diagnostika” диагностика ва даволаш маркази ўз фаолиятини бошлади. Бинони барпо этишда жами 6 миллиард сўм маблағ сарфланиб, Хитойдан 2 миллиард сўмлик замонавий тиббиёт жиҳозлари олиб келинди. Бу ерда бир вақтнинг ўзида 70 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатиш мумкин. Ҳозирда марказда 50 нафардан зиёд, жумладан, 35 нафар аёл ва 15 нафар ёш ишли бўлди. Тиббиёт марказида гинекология, урология, кардиология ва ЛОР касалликларини даволаш ҳамда клиник биохимия-лаборатория амалиётларини бажариш йўлга қўйилган.

Дарвоқе, шу куни очилган меҳнат ярмаркасида корхона-ташкилотларнинг 240 дан ортиқ бўш иш ўрни ёшлар билан тўлди.

## КИМ ЮРТИГА СОДИҚ БЎЛСА, МЕНДИРМАН ЎША!

Ёшлар фестивалининг якуний ва энг қувончли лаҳзалари ҳарбий-ватанпарварлик тадбирларига тўғри келди. “Ватанпарвар” ташкилоти вилоят кенгашининг автомобиллари ва ҳарбий техника намойиши, ҳарбий от ва итлар, махсус бўлинмаларнинг чиқишлари йиғилганлар олқишини қозонди. Хусусан, туманнинг 10-умумтаълим мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган жанговар саҳна кўринишлари, Қуролли кучлар салоҳиятини ўзида ифода этувчи ҳарбий техникалар намойиши барчага манзур бўлди.

Ҳа, бундай фестивалларнинг ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ўрни беқиёс. Вилоят ҳокимининг фарзандларимиз дардини тинглашни ўрганишимиз ва қўллаб-қувватлашга доим шай туришимиз кераклиги хусусидаги чорлови мутасаддиларга эслатма бўлди.

Фестивалда вилоят санъаткорлари ва ижрочи ёшларининг ҳарбий-ватанпарварликни тараннум этувчи куй-қўшиқлари қалбларда дўстлик, мардлик, фидойилик, дахлдорлик, шукроналик туйғуларини жўш урдирди.




14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

# ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ, ҲАРБИЙЛАРИМИЗ КУЧ-ҚУДРАТИ НАМОЙИШИ



**Ўзбекистон Қуролли Кучлари 30 йилга яқин вақт мобайнида шонли йўлни босиб ўтди. Бугун миллий армиямиз мустақиллигимиз, тинчлигимиз, сарҳадларимиз дахлсизлиги кафолати сифатида ҳар биримизнинг фахримизга айланган.**



Миллий армиямизнинг дунё миқёсидаги нуфузи ҳақида гапирганда, ҳарбийларимизнинг халқаро спорт мусобақаларида эришаётган ютуқларини ҳам алоҳида тилга олиш жоиз. Жумладан, Халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон ҳарбийларининг иштироки эътиборга молик. Уларда мард ўғлонларимиз кучга тўла билаги, Президент ва юрт меҳрига тўйинган юраги, билими, тафаккури самараси ўлароқ, юксак эътирофларга сазовор бўлаётир.

Халқаро армия ўйинлари мусобақасининг аҳамияти, унда Ўзбекистоннинг йил сайин юксалиб бораётган ўрни, қўлга киритилган муваффақиятлар ҳақида маълумот олиш учун **Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг масъул офицери, подполковник Баҳромжон ИСЛОМОВга мурожаат қилдик.**

**— Халқаро армия ўйинларида ўнлаб давлатлар ҳарбий хизматчилари ўз мамлакати шарафи учун майдонга тушади. Бу майдонда Ўзбекистоннинг иштирокини қандай баҳолайсиз?**

— Суҳбатимиз бошида Халқаро армия ўйинлари ҳақида умумий маълумот бериб ўтсак. 2014 йилдан Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги ташаббуси билан Халқаро армия ўйинлари ўтказила бошланди. Унда иштирок этиш Россия Федерациясининг таклифи ёки давлатларнинг мусобақада қатнашиш учун билдирган истагига кўра, таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилари “Ҳарбий олимпиада” дея таърифланаётган мазкур ўйинларда 2017 йилдан буён қатнашиб келади. Ўша йили “Содиқ дўст”, “Хавфсиз маршрут”, “Эльбрус ҳалқаси”, “Мусаффо осмон”, “Қуролсоз уста”, “Мерганлар марраси”, “Қўшинлар разведка аълочиси”, “Йўл патрули” каби 8 йўналишда иштирок этдик. 28 та давлат орасида умумжамоа ҳисобида 8-ўринни эгалладик. 2018 йили Ўзбекистон ҳарбийлари 32 давлат жамоаси билан беллашиб, 6-ўринни эгаллади ва етакчи армияларга муносиб рақиб эканини кўрсатди. Эътибор берсангиз, йил сайин юқори ўринларни эгаллаб боряпмиз.

2019 йили 39 давлат жамоаси қатнашган мусобақада 5-ўринни қўлга киритдик. 2020 йили эса терма жамоамиз 3-ўринга кўтарилди. Ҳар йили халқаро экспертлар эътирофига сазовор бўляпмиз. Келаси йилларда ҳар бир йўналиш бўйича пухта тайёргарлик кўриб, янада баланд марраларга эришишни мақсад қилганмиз. Бунинг учун бизда куч-қудрат ҳам, шароит ва имконият ҳам етарли.

**— Бу марраларга эришиш осон кечмаган бўлса керак. Бошқа соҳалардан фарқли равишда Халқаро армия ўйинлари мусобақаси айнан давлат мудофааси билан боғлиқ. Баҳслар ҳам, қўлга киритилган ютуқлар залвори ҳам шунга яраша, деб ўйлаймиз.**

— Кўрсаткичларимизнинг йилдан-йилга юқорилаб бораётгани, хусусан, мудофаа соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг улкан натижа бераётгани соҳага қаратилаётган юксак эътибор ва қўшинлар кундалик фаолиятини самарали ташкиллаштириш, ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, ҳарбий шаҳарча ва полигонлар инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар, яратилаётган шароит ва имкониятлар туфайлидир.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 29 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрами арафасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев Марказий ҳарбий округнинг Жиззах вилоятидаги артиллерия бригадаси ҳамда “Фориш” тоғ полигонига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари бу ерда ҳарбий хизматчиларнинг яшаш шароитлари ҳамда қўшинларнинг жанговар тайёргарлиги билан танишди. Ҳарбий мажмуадаги шароит ва имкониятларни қаранг. Табиий, барча қулайликларга эга ўқув хоналари, замонавий жиҳозлар, қурол-аслаҳалар ҳарбий хизматчиларнинг жаҳон стандарти талаблари асосида шуғулланишига имкон яратади. Бу Ўзбекистон миллий армиясининг дунё миқёсидаги нуфузини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.



**— Бу каби мусобақаларнинг ҳарбий хизматчилар фаолиятидаги ўрни ҳақида ҳам тўхталсак. Ўзбекистонлик ҳарбийлар халқаро майдонда қандай эътироф этилмоқда?**

— Энг аввало, мусобақа сабаб ҳарбий хизматчилар турли давлатларнинг мудофаа соҳаси билан танишади, ўзаро фикр алмашишлар асносида тажрибага эга бўлади. Қолаверса, миллий армиямизнинг салоҳияти қай даражада эканини билиш имкони пайдо бўлади.

Халқаро армия мусобақаларида ҳарбий хизматчиларимиз ўз салоҳиятини яққол намойиш этмоқда. Биргина 2020 йилги натижаларга назар соладиган бўлсак, юқорида таъкидлаганимиздек, 32 давлатдан 160 жамоа қатнашган халқаро беллашувларда умумжамоа ҳисобида 3-ўринни қўлга киритдик. Ҳарбийларимиз 14 та фахрли, 10 дан ортиқ рекорд ва юқори натижаларни қайд этиб, Ўзбекистон армиясининг нималарга қодир эканини исботлади. “Ҳарбий-тиббий эстафета”, “Содиқ дўст”, “Йўл патрули” каби йўналишларда мутлақ ғолибликни қўлга киритди. “Артиллерия олови устаси”, “Хавфсиз маршрут”, “Ҳарбий ралли”, “Отлиқ марафони”, “Қуролсоз уста”, “Эльбрус ҳалқаси”, “Мерганлар марраси”, “Қўшинлар разведкаси аълочиси” мусобақаларида эса 2-ўринни эгаллади. “Автозирҳли танк-техника устаси”, “Дала ошхонаси” ҳамда “Хавфсиз муҳит” ўйинларида вакилларимиз кучли учликдан ўрин олди.

“Содиқ дўст” мусобақасининг “Моҳир ўқчи” йўналишида 2019 йил катта лейтенант Ш.Шомуродов 133 балл натижани қўлга киритган эди. 2020 йили сержант У.Нуриллаев АК-74 автоматидан отиш бўйича бир йил аввалги натижани янгилаб, 11 баллик фарқ билан 144 балл тўплашга муваффақ бўлди.

“Автозирҳли танк-техника устаси” мусобақасида отиш машқини бажаришда катта лейтенант Л.Жўрақулов ва оддий аскар Ш.Ҳакимов юқори натижа билан “Энг илғор ўқчи” номинациясида фахрли 1-ўринни эгаллади.

**— Халқаро армия ўйинларининг айрим йўналишлари бизнинг мамлакатимизда ўтказила бошланди. Шу ҳақда ҳам айтиб берсангиз.**

— 2019 йили Халқаро армия ўйинларининг муҳим танловларидан бири — “Ҳарбий-тиббий эстафета” йўналиши илк бор Ўзбекистонда ўтказилди. “Фориш” тоғ полигони мезбонлик қилган 12 кунлик мусобақада Ангола, Арманистон, Озарбайжон, Зимбабве, Қозоғистон, Россия, Беларусь, Тожикистон, Мьянма, Вьетнам каби 11 давлатнинг 200 га яқин мутахассислари иштирок этди. Улар нафақат куч синашди, балки юқори малака ва маҳоратларини намойиш қилди, ҳарбий биродарлик ва дўстона муносабатларини ҳам кўрсатди.

2020 йили эса Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳрида VI Халқаро армия ўйинларининг “Йўл патрули” мусобақаси ўтказилди. Бутун дунёни ташвишга солган коронавирус пандемияси тарқалган бир вазиятда айрим мамлакатларнинг баҳсларда иштирок этмагани мусобақаларнинг шиддатли ва муросасиз кечишига тўсқинлик қилмади. Россия Федерацияси ва Беларусь Республикаси делегацияси Қўқонга етиб келган кунданоқ кенг жамоатчилик орасида “Йўл патрули” беллашувларининг қизғин муҳокамаси бошланиб кетгани ҳам шундан далолат беради.

Ташкилотчи сифатида мусобақага ҳар томонлама жиддий ва пухта тайёргарлик кўрдик. Фарғона водийсининг тарихий масканларига ҳарбий меҳмонларимизнинг саёҳатини ташкил қилдик. Бу уларнинг миллий анъаналаримиз ва қадриятларимиз билан танишишига имкон яратди. Айни пайтда бу халқаро ҳарбий мусобақадан олган таассуротларини, келгуси фаолиятига бўлажак таъсирини алоҳида қайд этди.

Дадил ташланган дастлабки қадам кейинги муваффақиятларнинг дебочасидир. Бунинг мисолини йилдан-йилга ўз имконият ва кучини Халқаро армия мусобақларида намойиш этаётган ҳарбийларимиз мисолида кўриб турибмиз.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Башорат ЮНУСОВА
суҳбатлашди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир: **Салим ДОНИЁРОВ**

“Янги Ўзбекистон” газетаси учун масъул:
бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари
**Бахтиёр Абдусатторов**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 76.
10887 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Муножат Мўминова
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 23:15 Топширилди — 00:35